



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИНИНГ МАТБУОТ БИЛДИРИШИ

МТС-Уздунробита ширкатининг Каримов оиласи тарафидан тортиб олинишига доир ЎХҲнинг Матбуот Билдириши



МТС-Уздунробита Ўзбекистоннинг 10 миллион аҳолисини сифатли телекоммуникацион алоқа билан таъминлар эди. Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан бу компаниянинг фаолияти тугатилди ва унга 80 миллион доллар жазо белгиланди. Бу мудҳиш мусодарага ҳамда МТС-Уздунробита ширкати тўрт ходимининг режим ертўлаларида қийноққа солинаётганига ўз норозилигимизни билдирамиз.

МТС-Уздунробита ширкатининг 1400 ходими ҳеч қандай адлиявий рухсатсиз тергов қилинган ва ҳақ-ҳуқуқлари қўпол равишда бузилиб, юзларча ходимнинг паспорти олиб қўйилганидан ҳам хабардормиз. Биз, Каримов оиласининг МТС-Уздунробита ширкати ходимларига нисбатан қилаётган қоралаш ва таҳқирлаш сиёсатини Ўзбекистондаги зулмининг жирканч кўриниши эканлигига шубҳа қилмаймиз.

Биз, 10 миллион аҳолининг замонавий алоқа воситасидан маҳрум қилинишини технология жиҳатидан Ўзбекистонни ўн йил орқага улоқтиради, деб

ҳисоблаймиз. МТС-Уздунробита ширкатининг мусодара қилиниши Каримов оиласи, хусусан Гулнора Каримовага яқин жинойий тўдаларнинг навбатдаги фитнасидир. Аввал ҳам бу оила Кока-Кола, Ян интернейшн и Туркуаз каби ширкатларнинг мол-мулкни босиб олган эди.

Шу муносабат билан, Каримов режими 20 йилдан кўпроқ вақт мобайнида нафақат хорижий сармоядорларга, балки ҳар қандай эркин тадбиркорликка, энг кўп маҳаллий тадбиркорларга айни зулм ва қароқчилик сиёсатини ўтказиб келаётганини таъкидлаймиз.

МТС телефон ва телекоммуникация соҳасида хизмат кўрсатувчи энг катта ширкат эди. Унинг фаолиятининг тўхтатилиши миллионларча фуқароларимизни алоқа воситасидан маҳрум қилди ва бу ниҳоятда катта зарарларга йўл очди. Инсонларимиз ниҳоятда қийин аҳволда қолдилар, чунки бошқа ширкатлар талабга жавоб бераолмаяпти.

Улар МТС фаолиятининг қайта тикланишини талаб қилиб, унинг бўлимларида навбат кутмоқдалар, аммо бу ҳеч қандай натижа берамаяпти.

Биз порахўрликка ботган ва иши қароқчиликдан иборат бўлган Каримов режимини лаънатлаймиз ва эркин тадбиркорликка қарши ўтказилаётган иқтисодий террорнинг тўхталишини талаб қиламиз.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати

ИЙД МУБОРАК БЎЛСИН!

Кириб келаяпти муборак айём –
Азиз айёмингиз муборак бўлсин!
Келаяпти муборак ийди Рамазон,
Ҳайит айёмингиз муборак бўлсин!
Дўстлар, айёмингиз муборак бўлсин!
Гуноҳимиз кечгай Парвардигорим,
Иймон нуридан ёришсин диёрим,
Шод бўлинглар, мусулмон дўст-ёрим,
Улуғ айёмингиз муборак бўлсин!
Азиз айёмингиз муборак бўлсин!
Аллоҳ қабул этгай ибодатингиз,
Исломига хос бўлсин урф-одатингиз,
Бузилмагай хузур-ҳаловатингиз,
Тинчлик айёмлари муборак бўлсин!
Қувонч айёмлари муборак бўлсин!
Бу кун яхши тилак – дуо қилайлик,
Шукрлар айтиб, илтижо қилайлик,
Ҳақ раҳматин умид – рижо қилайлик,
Умид айёмингиз муборак бўлсин!
Сурур айёмингиз муборак бўлсин!
Тарқалмоқда нурни тўсган булутлар,
Иймон нуридан ёришгай бу юртлар,
Дуо қилиб, ўтказилган қунутлар,
Дуо айёмингиз муборак бўлсин!
Қутлуғ айёмингиз муборак бўлсин!
Дилимизда кўпдир эзгу тилақлар,
Илтижоза кўтарилгай билақлар,
Дуо қилинг – “омин” дегай Малақлар,
Нурли айёмингиз муборак бўлсин!
Раҳмат айёмингиз муборак бўлсин!
Қиларлар бир-бирига хайри-эҳсон,
Бири-бирини йўқлар дўсту кадрдон,
Кўнгишлар покларан, жўш уриб имон,
Эҳсон айёмингиз муборак бўлсин!
Ғуфрон айёмингиз муборак бўлсин!
Бири-бирини кечирсин одамлар,
Кўнгилда қолмагай ғашлик бу дамлар,
Арисин мўминлар бошидан ғамлар,
Нажот айёмингиз муборак бўлсин!
Нусрат айёмингиз муборак бўлсин!
Ўтган мўминлар руҳлари шод бўлсин!
Ҳақ раҳмати-ла ғамдан озод бўлсин!
Айтинг, икки дунёмиз обод бўлсин!
Тасбиҳ айёмингиз муборак бўлсин!
Такбир айёмингиз муборак бўлсин!
Зиёда бўлсин нури иймонингиз,
Ёритсин бу нурлар хонадонингиз,
Баракотли бўлиб Рамазонингиз,
Иброт айёмингиз муборак бўлсин!
Даъват айёмингиз муборак бўлсин!
Қутлуғ айём билан сизни қутларман,
Ҳаммангизга бахт-саодат тиларман,
Шеър билан дил сўзим баён қиларман,
Иззат айёмингиз муборак бўлсин!
Неъмат айёмингиз муборак бўлсин!

М. Абутов.

ЎХХ МАКТУБИГА ШВЕЦИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДАН ЖАВОБ КЕЛДИ

Шу йилнинг март ойида, Ўзбекистон халқ ҳаракатининг Канада бўлими фаолари, Швеция ҳукумати Бош вазири номига, Ўзбекистонлик таниқли диний арбоб Обидхон қори Назаровга қарши содир этилган 23 февралдаги суиқасд бўйича чуқур хавотир билдирилган Мурожаатнома жўнатган эдилар.

Хусусан, улар Мурожаатномада, Швеция ҳукуматини:

- *Имом Обидхон қори Назаровга қилинган суиқасд бўйича чуқур текширув ишларини олиб боришга,*
- *Швециядан сиёсий бошпана топган Ўзбекистонликлар химоясини кучайтириш, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга,*
- *Ўз халқининг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиб, уларга қарши турли жиноятларни содир қилаётган Ўзбекистондаги диктаторлик режими билан муносабатларни қайта кўриб чиқишга чақирган эдилар. Куни кеча ЎХХнинг Канада бўлими Швеция Ташқи ишлар вазирлигидан жавоб хати олди. Қуйида, мазкур жавоб хатининг матнини келтирамиз:*

Ўзбекистон халқ ҳаракатининг Канада бўлимига

15 Август 2012 йил

Шу йилнинг 9 март куни, Обидхон Назаровни ўлдириш учун қилинган уринишга муносабатингиз билдирилган хатингиз учун раҳмат. Сизларга жавоб беришни мендан илтимос қилишди.

Гумондор қотил озодликда қолапти ва уни топиш учун халқаро қидирув ордери берилган. Дастлабки бўлиб ўтган суд мажлиси, бир инсон ҳаётига даҳл қилишга кўмак бериш билан айблана-

ётган икки кишини, етарлича далил топилмагани учун оқлаб ҳукм чиқарди. Швед ҳукумати бу қарорга изох бермайди. Суд тизимининг мустақиллиги швед жамиятининг устивор принципи бўлиб қолишда давом этади.

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, суд ўзининг қарорида, Обидхон Назаровга қарши қилинган суиқасд, шубҳасиз сиёсий сабабларга эга ва бу жиноят Швециядан ташқарида режалаштирилиб, амалга оширилган, деган хулосага келди. Швеция бундай ҳатти ҳаракатлар ва уни қамраб олган вазиятдан

хавотир билдиради ҳамда бу воқеанинг моҳиятига етиб бориш учун барча ҳаракатларни қилади.

Шунинг учун Швеция 2010 йилдаёқ, хорижий давлатларнинг ноқонуний разведка ҳаракатларига қарши химояни кучайтириш бўйича текширувни бошлаб юборган. Ушбу текширув натижалари 2012 йилнинг 31 декабрида маълум бўлади.

Сизга ҳурмат билан,

Аарон Корэва
Ташқи Ишлар вазирлиги

МТСГА ЎТ ЁҚСАМ – ШВЕЙЦАРИЯДА ТУТУНИ

Женевада Каримовлар оиласига қарашли пулларнинг тагига етиш учун чуқур ва синчковлик билан ковлашади. “Ковлашлар” натижалари ҳақида жамоатчиликка албатта сўзлаб беришади. Босар-тусарини билмай қолган “хон” ва “хонимчалар”нинг кирдикорлари ва адолатнинг ҳеч бўлмаса Европада тантана қилиши ҳақида анчадан бери бирор тузук нарса ўқимаган эдик...

Тошкентдаги Швейцария элчихонаси расмий веб-сайтида, яқинда Женевада ўзбекларининг ҳибсга олинганини тасдиқловчи баёнот пайдо бўлди.

“Швейцариянинг Тошкентдаги элчихонаси шуни маълум қиладики, Швейцария Федерал прокуратураси томонидан Ўзбекистоннинг” тўрт нафар фуқаросига нисбатан жиноят текшируви бошланди. Жиноий текширув доирасида 2012 йил 30 июль куни пул ювишда гумон билан дастлабки ҳибсга олишлар амалга оширилди. Ўзбекистоннинг

икки фуқароси ўша пайтдан бери қамоқда сақланмоқда”.

Ўтган ҳафта эса Шейцария прокуратураси вакили Жанет Балмер расмий жавоб берди: “Бош прокуратура Женевада Ўзбекистоннинг икки фуқароси ҳибсга олинганини тасдиқлайди. Ҳибсга олиш бош прокуратура ташаббуси билан амалга оширилган. Процедуранинг ушбу босқичида Ўзбекистоннинг тўртта фуқароси шу жумладан, пул ювишда айбланмоқда”.

Кейин маълум бўлишича, қўлга олинган ўзбекистонликларнинг исми-шарифи Шоҳруҳ Собиров ва

Алишер Эргашев бўлган. Уларни Женева кўчаларидан бирида ҳибсга олишган. Бундан келиб чиқадики, уларнинг ортидан яширин кузатув қўйилган.

РУХСАТ БЕРИЛГАН ПИКЕТ - ЎЗБЕКИСТОНДА СЕНСАЦИЯ

Шу йилнинг 4-чи ё 6-чи август куни пойтахтнинг Швейцария элчихонаси ёнида расмий рухсат берилган норозилик акциясининг ўтиши - Европада ҳибсга олинган тадбиркорларнинг Ўзбекистон раҳбарининг тўнғич қизига алоқадорлигини билвосита тасдиқлайди. Пикетни Женевада ҳибсга олинган бизнесменларнинг қариндошлари уюштирдилар.

Қизиғи шундаки, анъанага зид равишда ҳуқуқ-тартибот органлари норозилик акциясига заррача қаршилиқ кўрсатмай кузатиб турдилар, бу ҳолат Тошкент учун жуда ҳам ғайри табиий.

(*Давоми кейинги бетда*)



МТСГА ЎТ ЁҚСАМ – ШВЕЙЦАРИЯДА ТУТУНИ

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Тошкентда ҳар қандай пикет ёки митинг бошланмай туриб тўзатиб юборилишини яхши биласизлар: милиция митинг иштирокчиларини бир зумда автозақларга тикиб ташлайди, кўп ҳолатларда эса тадбир бошланишида анча аввал уларнинг йўлларини тўсиб қўядилар. Ўзбекистонда бунақанги акцияларни фақат Миллий хавфсизлик хизмати генералларига ҳам буйруқ бера оладиган юқори мартабали шахслар уюштириб ўткази оладилар, холос.

7 август куни демократия ўйини яна давом эттирилди: ҳибсга олинганлардан бири бўлмиш Шохруҳ Собировнинг хотини ўша Uzmetronom сайтида гўёки ўзи ёзган мактубини чоп этди. Параллель равишда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарига ҳам йўлланган ушбу мактубда Шоира Собирова эрининг ҳеч қандай жиноятларга алоқадор эмаслигини қатъий билдириб, уни “рўза тутган чин мусулмон” деб атайди ҳамда “Собиров Шохруҳ Женевада тасодифан Ўзбекистондан келган Алишер Эргашевнинг ёнида бўлиб қолгани учун қўлга олинган...”, дея таъкидлайди: “Мен Швейцарияда арабларга ва бошқа мамлакатлардан келган мусулмонларга ноҳолисона муносабатда бўлишлари ҳақида кўп эшитгандим, - дея ёзади ҳибсга олинган Собировнинг хотини. – Афсуски менинг кўнгилчан, қонунга итоатгўй, учта болани катта қилаётган эрим билан ҳам шундай ҳолат содир бўлди. Ҳозир биз тўртинчи боланинг туғилишини кутаямиз, аммо асаб хуружи туфайли аввалги муддатда ҳомиладан ажраб қолиш хавфи пайдо бўлди. Эркин ва демократик Швейцарияда бундай ишларнинг содир бўлишини тасаввур ҳам қилиш қийин эди...”

ПУЛ БЎЛСА, ЧАНГАЛДА ҲУҚУҚ

Женевада ҳибс этилган ўзбекнинг хотини муғомбирлик қилаётгани нафақат экспертларга, балки Ўзбекистонда истиқомат қилувчи ҳар қандай одамга ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқлари атрофида юзага келган аҳвол билан қизиқувчиларга аён. Айнан Ўзбекистон расмийлари мусулмонларни қонунга ҳилоф равишда ҳибсга олиш, уларни

қийноққа солишлари билан дунёга танилганига анча бўлди. Ва айнан Швейцария Ислом Каримов режимининг юзлаб қурбонларига сиёсий бошпана бериб келаётган давлатлардан бири бўлиб қоляпти.

Ҳеч қандай шубҳа йўқки, Ўзбекистон фуқароларига нисбатан жиноят иши бежиз қўзғатилмаган, Швейцарияда беҳудага ҳеч ким пул ювиш бўйича айбловларни қўймайди. Тошкентдаги гўё “мустақил” бўлган нашр таҳририятига хатни жабрланган тадбиркорнинг хотини эмас, балки хориждаги сармояларидан ажраб қолишдан қўрқаётган кўринмас босснинг менежерлари ёзиб бергани ҳам кун каби равшан.

Мазкур “норозилик акциялари” ва “таҳририятга мактублар” ортида беркинган Гулнора Каримованинг қулоқлари диккайиб турибди. Ўзбекистон маликаси Швейцариядаги алоқаларини жуда қадрлайди, чунки уларни ўрнатиш учун кўп йиллар сарфланган. Шу билан бирга, Швейцария бош прокуратураси ўтказиётган молиявий текшируви оқибатида, Гугушанинг кўчмас мулкларига қизиқиб қолиши турган гап. Агар жамоатчилик талаб қиладиган бўлса, албатта ушбу кўчмас мулкни сотиб олишга сарфланган маблағларнинг келиб чиқиши ҳам текширилади.

Эслатиб ўтамиз, “Лебдо” («L'Hebdo») нашрига кўра, Гулнора Каримова 2009 йил январида Колони (Cologny) муниципал округи ҳудудида вилла сотиб олган. Унинг нархи 18,2 миллион франк (бугунги курс бўйича деярли 22 миллион евро). Уйнинг олдида 2473 квадрат метрга тенг ер участкаси ва албатта бассейни ҳам бор...

БИРОВГА ЎЛИМ ТИЛАГУНЧА...

Швейцари бош прокуратураси нега энди бугунга келиб, қандайдир ўзбекларнинг банк рақамлари билан қизиқиб қолганини, тушуниш учун шу кунларда Тошкентда параллель равишда содир бўлаётган шов-шувли воқеаларга назар ташлаш лозим. Гап шу чоққача мисли кўрилмаган хорижий телекоммуникация компаниясини вайрон қилиш процесси – “МТС иши” ҳақида кетаяпти.

Россия уяли алоқа опеараторининг муаммолари Ўзбекистон расмийларининг муваффақиятли

фаолият юритаётган хорижий бизнесни тортиб олиш бўйича янги “стратегия”га тўла мос келгани билан, компания бошига тушган можароларнинг асосий сабабларидан бири – “МТС-Ўзбекистон” раҳбари Бехзод Аҳмедов билан юқорида номи бир неча бор келтирилган ўша Гулнора Каримова ўртасидаги шахсий тўқнашув бўлиб қолмоқда. Независимая газета маълумотида кўра, агар Гулнора билан Бехзоднинг ўртасидаги муносабатлар бузилмаганида, МТС Ўзбекистондаги фаолиятини бемалол давом эттирган бўларди.

Тошкентда МТСга ҳужум жорий йилнинг июнь ойида, айнан компаниянинг бош директори номига айбловлар қўйишдан бошланган ва уни халқаро қидирувга берилган. Швейцария банкларида Марказий Осиёдан келган пулларни қидириш ҳам айнан шундан кейин бошланган. Лекин Аҳмедовга қарши иш қўзғатилиши билан энг аввал Гулнора Каримованинг сирларидан бохабар бўлган Собиров ва Эргашев ҳибсга олинди.

Бехзод Аҳмедов ва Гулнора Каримова ўртасидаги алоқалар узилганига анча бўлган, шунинг учун ҳам бир мунча вақт ўтиб бу нарса бугунги кунда амалга оширилаётган уяли алоқа компаниясини тортиб олиш амалиёти учун энг муҳтамак баҳона бўлган. Мана шу ерда сиёсий фанлар доктори, Ҳарвард университетининг битирувчиси, заргарлик буюмлари дизайнери, эстрада қўшиқчиси Гулнора Каримова қаттиқ панд еб қолди: русларга қарашли МТС-Ўзбекистон компаниясининг топ-менежерига қарата амалга оширилган ўхшовсиз ҳужумлар Гулноранинг молиявий фирибгарликларини текширувига олиб келиши мумкин.

Женевада Каримовлар оила-сига қарашли пулларнинг тагига етиш учун чуқур ва синчковлик билан қовлашади. “Ковлашлар” натижалари ҳақида жамоатчиликка албатта сўзлаб беришади. Биз эса унинг натижаларини кутамиз, ҳар ҳолда анчадан бери босартусарини билмай қолган “хон” ва “хонимчалар”нинг кирдикорлари ва адолатнинг ҳеч бўлмаसा Европада тантана қилиши ҳақида бирор тузук нарса ўқиганимиз йўқ эди...

«Фарғона»дан
қисқартириб олинди

«ҚОРА НИҚОБЛИ»ЛАР ҲУЖУМИ «БЕК-БАРАКА»ГА КЎЧДИ



14 август куни Намангандаги «Исфархон» савдо марказини босгандан сўнг, автоматлар билан курулланган «қора ниқобли»лар гуруҳи Тошкентдаги «Бек-Барака» бозорига «хужум» қилди. Асосан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан савдо қилувчи бу бозорда ҳам бир қанча тадбиркорларнинг юклари тортиб олингани айтилади.

ошкент вилояти Зангиота тумани худудда жойлашган, Чилонзор буюм бозори (халқ тилида «Ипподром» - тахр.) яқинидаги «Бек-Барака» бозорини 16 август куни «қора ниқобли» автоматчилар босди. Бу ҳақда Озодликка муштарийлардан бири хабар берди:

«Тошкент вилояти, Зангиота тумани Бек Барака савдо мажмуасига эрталаб 11 да катта гуруҳдаги қора ниқоб кийган «омон»лар бостириб кириб, ҳаммаёқни талон-тарож қилди. Осмонга қаратиб икки-уч маргалаб ўқ отиб, бозордаги оломонни ташқарига ҳайдашди. Сотилаётган товарлар қандоқ турган бўлса, шундайлигича турибди. Ҳатто савдо қилинган пулларни ҳам олиб чиқиб кетишга рухсат беришмаяпти. Ҳозир ҳам соат 16 дабозор атрофини катта қўшинлар ўраб олган. ҳатто стоянкадаги автомобилларни ҳам, вилоятдан келган автомобилларни ҳам чиқишига рухсат берилмаяпти. Бозор маъмуриятини битта жойга қамаб, қаттиқ сўроқ қилишаётган экан», деб ёзади воқеага ўз кўзи билан гувоҳ бўлган Озодлик муштарийларидан бири. Айни пайтда Ўзбекистон Ички Ишлар вазирлиги ўз расмий сайтида «Бек-Барака» бозорида ўқув машғулотлари ўтказилганини ёзади:

«2012 йилнинг 16 август куни Режа бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва тегишли давлат органлари ҳамкорлигида, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган «Бек-барака» савдо мажмуаси ва унга туташ Тошкент автомобиль халқа йўли худудларида оммавий тартибсизликларни олдини олиш ва баргараф этиш бўйича шартли номи «Вал» махсус-тактик ўқув машғулотлари ўтказилди. Ўқув машғулотда Ички ишлар вазирли-

ги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари ўзларини касбий маҳоратларини кўрсатиб, давлат ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича уларга юклатилган хизмат вазифаларни бажаришга доимий шайлигини, интизоми ва руҳий барқарорлигини намоян қилишди», деб хабар беради Ўзбекистон ИИВ расмий Интернет сайти.

Бирок, «Бек-Барака» ёнидаги бошқа бозорда савдо қиладиган ўғлининг гапига таянган ҳолда тошкентлик инсон ҳуқуқи фаоли Шоира Содикбекованинг айтишича, ҳеч қандай ўқув машқлари ўтказилмаган, бу ҳақиқий босқинчилик бўлган:

- 16 август куни Бек-Баракани маскалик одамлар босиб олишган. Ҳаммасининг қўлида автоматлар бўлган. Анча тадбиркорларнинг мол-мулкларини хатламасдан, ҳеч нарса ёзмасдан мошинларга ортиб шундоқ олиб чиқиб кетишган. Тадбиркорлар чиркиллаб қолаверган, дейди Шоира Содикбекова.

17 август, маҳаллий вақт билан соат 13 да Озодликнинг озод мухбирларидан бири «Бек-Барака» бозоридаги вазиятни ўз кўзи билан кузатди:

«Кеча солиқ ходимлари маска кийган ходимлар билан бозорни босишган экан. Ҳозир бозор маъмуриятидан ҳеч ким йўқ, ҳатто чекчилар ҳам йўқ. Бозор деярли ишламаяпти. Жуда кўп мол олиб чиқиб кетилган. Жуда кўп тадбиркорлар ўз молларини қидириб юришибди. Мана ҳозир Омон ака деган тадбиркор билан гаплашдим, молини тополмай қидириб юрибди. Ҳозир бозорни яқин 40 фоизи ишлаяпти, холос. Ҳамма саросимада», деди Озодликнинг Озод мухбири.

Биз мухбиримиздан ўша тадбиркор Омон ака билан суҳбатлашиш имконини яратиб беришни илтимос қилдик. Мухбир тадбиркор олдида бориб илтимос қилди: - Мен ҳозир кеча йўқотилган молимини қидирипман, телефонда гаплашиш вақти эмас, - деди тадбиркор. Тошкент вақти билан соат 14 да биз яна Озод мухбир билан боғландик: «Бозорда савдо қиладиган оз сонли тадбиркорлар ҳам молларини йиғиштиришни

бошлади. Кимдир яна қора маскаликлар босади, деган гап тарқатибди.. Шунга ҳамма тезда молини контейнерларига кулфлаб бозордан чиқиб кетяпти. Бозор радиоси карнайдан эса, «бозор фаолиятини юритади, илтимос, тинчликни сақлашни сўраймиз» деган эълон янграб турибди. Лекин одамлар бозорни ташлаб чиқиб кетяпти, дейди Озодликнинг Озод мухбири.

17 август куни Озодлик «қора ниқобли»лар Чилонзор буюм бозорига ҳам рейд қилгани ҳақида хабарлар олди. Бирок Озодликнинг Озод мухбирлари Чилонзор буюм бозорида бўлиб, бу хабарни тасдиқламади. Уларнинг айтишларича, Чилонзор буюм бозори бир маромда ишлаяпти.

Бундан икки кун олдин Намангандаги «Исфархон» савдо марказини «қора ниқобли»лар босган ва бозордан 30 КамАЗ юк автомобилида тадбиркорлар моллари олиб чиқиб кетилган эди. Жорий йилнинг 26 июл куни Тошкент вилоятининг «Қуёшли» посёлкасидаги канцелярия моллари билан савдо қиладиган улгуржи бозорни кучайтирилган милиция гуруҳи ёрдамида солиқчиларнинг «Бозор гуруҳи» босган эди.

Бу каби рейдлардан мақсад Ўзбекистонга молларнинг контрабанда йўли билан олиб кирилган молларни мусодара қилиш экани айтилади.

Ўзбекистон Солиқ қўмитаси қошида ташкил этилган «Бозор гуруҳи» кейинги бир-икки йил ичида мамлакатдаги бир қанча савдо марказлари ва бозорларга шу пайтгача қайси идорага қарашли экани аниқ бўлмаган «қора ниқобли» гуруҳ ёрдамида рейдлар уюштирган эди.

Жорий йилнинг январ ойида «қора ниқоблилар», Тошкентдаги Чинни бозорини босган эди.

Сўнгги уч йил ичида Ўзбекистондаги йирик бозорларга ҳуқуқ-тартибот идораларининг «қора ниқобли» махсус кучлари томонидан бир неча бор рейдлар уюштирилди.

2011 йилнинг 16 сентябр куни Тошкентдаги «Малика» савдо марказида «Қора ниқоблилар» гуруҳи рейд ўтказиб, «Чиго» ва «Метро» дўконларининг ҳамма товарини мусодара қилган эди.

2011 йилнинг 17 июл куни қора ниқобли «сирли кучлар» Урганч шаҳридаги савдо уйида рейд ўтказган эди.

«Қора ниқоблилар» 2011 йилнинг 16-17 июн кунлари Янгийўл шаҳридаги ресторанлар ва буюм бозорини босган. 2011 йилнинг 2 март куни Тошкентда бу гуруҳ Божхона, Солиқ қўмитаси, Ўзстандарт агентлиги билан бирга, «Туркуаз» ширкатига қарашли дўконлар жойлашган савдо уйига рейд уюштирган эди.

ozodlik

Лондонда бўлиб ўтган XXX Олимпиада ўйинларининг тўғридан-тўғри эфирлари Ўзбекистон ТВ ходимларига янги ташвишлар олиб келгани ҳақида хабарлар бор. Уларга аввалдан, Олимпиаданинг кўрсатувлари давомида экранларда кўринмаслиги керак бўлган шахсларнинг рўйхатлари берилган ва трансляция пайтида ўта юқори хушёрлик талаб қилинган. Ўзбекистон ТВсида манбаамизнинг айтишича бу рўйхатда ўзбек мухолифатининг лидери, Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг етакчиси Мухаммад Солихнинг номи ҳам бўлган. Ўзбекистон ТВсидаги манбааларимизга кўра, Лондондан тўғридан-тўғри трансляцияни қабул қилиб, уни тарқатишга масъул бўлган ТВ ходимлари Лондон Олимпиадаси бошланмасидан 10 кун олдин, МХХ ходимлари иштирокида махсус суҳбатдан ўтказилган.

ЎЗТВ: “МУҲАММАД СОЛИХ ТЕЛЕЭФИРДА КЎРИНИБ ҚОЛМАСИН!!!”

Бу суҳбатларда, масъул журналистлар, видеомухандис ва техник ходимлар, Лондондан оқиб келаётган кадрларни ниҳоятда хушёрлик билан назорат қилиш ҳақида тушунтиришлар олишган. Ўзбекистон ТВсида манбаа, спорт тахририятидаги видеомухандислардан бирининг сўзларини келтиради. “У, Олимпиада ўйинларини олиб кўрсатиш бу йил ҳар қачонгидан мураккаб бўлишини айтди. Трибуналардаги ишқибозлар кўрсатилаётган пайтда, айниқса, хушёрлик талаб қилинибди. Чунки, уларга, хорижда-

ги мухолифатчилар ҳар қачонгидан ҳам фаоллашгани ва уларнинг томошабин сифатида стадионларга киришиб, мамлакатимиз президенти ва унинг сиёсатига қарши шиорлар ёзилган плакатларни камера-ларга кўрсатишлари мумкинлиги ҳақида айтилибди ва бундай кадрлар тўғридан тўғри трансляция пайтида Ўзбекистон телеэкранларида кўриниб



қолишининг олдини олиш энг муҳим вазифа эканлиги уқтирилибди. Бундан ташқари, шоир Мухаммад Солих ва яна Салим Абдувалиев каби 3-4 нафар шахсларнинг ҳам Олимпиада мусобақалари олиб кўрсатилаётган пайтда экранда кўриниб қолишлигининг олдини олиш ҳақида огоҳлантирилган” дейди Ўзбекистон ТВсидаги манбаа. Ўз мухолифининг расмидан кўрқиб даражасига тушиб қолган Қаримов режимининг талвасаси, бугун Ўзбекистондаги Оммавий Ахборот Воситаларининг ҳар кунлик ҳаётида

акс этапти.

Мамлакатдаги ҳар бир ўзгариш бугун Қаримовнинг номига боғлаб берилади ва бошқа номларнинг пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

Бошқаларнинг бунга ҳаққи йўқ! Артур Таймазовнинг ғалабасидан сўнг, татамига югуриб чиқиб келиб, чемпионнинг бўйнига осилиб олиб, Ўзбекистон телеэкранларида 2 сония қолишга улгурган Салимбойнинг ҳам! Ўзбекистон телевидениясидаги ўта “сиёсий хушёр” цензорлар томонидан дарҳол ёпилган бу “ноёб” кадрлар оддий ўзбек томошабинига машҳур “Салим бойвача”ни ҳам илк бор танитди.

Шунга қарамасдан, бу каби таъқиқлар ўзбек диктаторининг қизи Гулнора Қаримованинг эътиборидаги матбуотларга тегишли эмасдек кўринади. Ана шундай сайтлардан бири деб қараладиган www.shov-shuv.uz сайти, Салим Абдувалиевнинг Олимпиада чемпиони билан қучоқлашиб тургани тасвирланган фотосуратни ҳали олиб ташлагани йўқ.

Бу ҳам етмаганидек, сайт муҳарири Жасур Ҳамроев бу ғалаба ҳақида ёзаркан, Салимбойнинг номини ҳам бемалол келтириб, уни Артур Таймазовнинг “энг яқин маслакдоши” деб атайдди:

“Артур Лондонда ўтаётган XXX Олимпиада ўйинларида эркин кураш бўйича 120 кг вазнда мутлақ ғолиб бўлиб, сўнган умидларимизни яна-да жонлантирди. У олтин медални қўлга киритди! Хурсандчилигидан энг яқин маслакдоши Салим Абдувалиевни ҳам қучоқлаб, кўтариб даврани айланди!”

СУРХОНДАРЁДА “ИСЁНЧИЛАР”НИ ҚУРУҚ ВАЪДАЛАР БИЛАН СИЙЛАШДИ

Жорий йилнинг январь ойида Бойсун туман хокими Панжи Тангилов Қобилович, тумандаги “Жоме Мачити”да бойсунлик фуқаролар олдига сўзга чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосланиб, 2012 йил Бойсун туманига аҳоли истеъмол қилиши учун, сув келтирамиз...” деб ваъда берган эди. Туман фуқаролари бу “янгилик”ни эшитиб, “Бойсунда сув келар экан.

Биз ҳам ўз тайёргарлигимизни кўришимиз керак. Ариқ-зовурларни қазиб, ҳовузлар ташкил қилишимиз даркор...” деб кечаю-кундуз ҳаракат қилишди. Баҳор ойида ёққан қаттиқ ёмғир ва дўл туфайли қазилган ариқ ва зовурлар бир кечада остин – устин бўлиб кетди. Қаттиқ ёққан дўл ва сел туфайли, аҳолининг уй-жойлари, мол-мулклари сувга оқиб кетди...

Биз аҳолининг бугунги аҳволини яқиндан танишиш мақсадида улар билан суҳбатлар олиб бордик: “Туман хокими ваъда берганига ҳам, етти ойдан ошиқ вақт ўтмоқда. Ҳаммон сувдан дарак йўқ. Бойсунликлар тоқатлари тоқ бўлиб, хоким жанобларига, “Бойсунга қачон сув келтирасиз?” деб, хокимиятга борсак, хокимият ходимлари “хокимни биллярхонадан топасизлар” дейшдилар.

Биллярхонага борсак, ҳақиқатдан ҳам хоким Панжи Тангилов, “копток суруб”ётган эканлар. Бизлар эса, хокимиятга бориб-келавериб, лўлининг моккисига ўхшаб, оёларимиздаги қалиш ва кийим-бошларимиз йиртилиб кетди. Хоким жаноблари эса, ўзларининг “маданий ҳордиқ чиқариш” билан овора-ю сарсонлар. Хоким ҳар бир фуқаро билан учрашганда, “хорошо” дейишдан

нарига ўтмаяптилар. Айтилган ваъдалар эса, ҳавога “учди-ю” кетди. Буни гувоҳи бўлган бойсунликлар, “Хоким жаноблари ғирт ёлғончи, фирибгар экан. Алдагани, ёш бола яхши...” деб қўлларини силқиб, “туф-сендай хокимга, ҳайф-е-э-э. Сени онангни...” деб хоким қабулхонасидан чиқиб кетмоқдалар.

Куни-кеча, Бойсун тумани “Газа” маҳалласида яшаётган бир гуруҳ фуқаролар, Сурхондарё вилоятининг хокими Нормурод Чориевга шикоят ариза билан мурожаат қилишган. Вилоят хокими, “Аризаларингизни кўриб чиқиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб чиқамиз...” деб ваъда беришган. Кўрамиз, агар шу иш ҳал бўлмаса, унда Ўзбекистон Республикасининг президенти Ислам Қаримовга 100 дан ошиқ фуқаролар билан бирга, Тошкент шаҳрига борамиз...” дейди биз билан суҳбатлашган нафақа ёшидаги Эгрихон Эшон бобо...

Мансуржон Фозилов

“Tax Justice Network” ташкилотининг маълумотиغا кўра, Ўзбекистоннинг 23 миллиард доллар пули оффшор мамлакатларда жойлашган. Бу – давлат йиллик бюджетининг ярми демакдир. Асосийси, бу пуллар амалдорлар ҳамда уларнинг қариндошларига тегишли ўғирланган пуллардир.



тўйлардан бири бўлган, айтилишича, тўй харажати 3-5 миллион долларни ташкил этган.

Бўритош Мустафоев.

Доданинг любимчикларидан бири. Суд атрофида айланаётган пуллар эгаси. Самарқанднинг кирди-чикдиси шуларга қарайди. 3 ўғил отаси. Катта ўғли “Ўзбеклизинг” каттаси,

КАРИМОВНИНГ АТРОФИ – ЎҒРИЛАР САЛТАНАТИ

Ўзбекистон табиий ва геологик жиҳатдан бой мамлакат бўлса-да, бугунги кунга келиб, энг қашшоқ мамлакатлар сафида пешқадамидир. Халқни шу куйга солган ўз қахрамонларини юзидан танишини истаб, сизларга ўзим билган бир-икки маълумот ва амалдорларнинг ўзи ва қариндошлари ҳақида:

Каримов ва унинг оиласи энг асосий фигурантлар бўлгани билан унинг йиллар давомида алмашмай келаётган малайлари ҳам халқни талон қилишдаги хиссалари кам эмас.

Рустам Иноятов.

Алмашмайдиган фигуралардан бери. Унинг бизнеси ва таъсир доираси Ўзбекистонда жуда катта. Унинг хотини ва қайниси бизнес доираларини юритади. Флора Иноятова ҳамда унинг укаси Бахтиёр Иргашев “Консалтинговая Компания «ANSHER CAPITAL», ООО “Benif” ларнинг эгаларидир. Улар мамлакатдаги экспорт-импорт операцияларининг аксарини назорат қиладилар.

Яна ОАИКБ “Ипак Йўли” ҳамда “General Motors”нинг Ўзбекистондаги

мотор ишлаб чиқариш Заводида “хисса”лари бор. Уларнинг фарзандлари ўша Тошкентдаги энг машхур ва тегилмас кайфу-сафочиларидандир. Рустам Азимов.

Мамлакатнинг иқтисодий модели асосчиларидан. Доданинг газначиларидан бири. Машхур Трест 12 ОАИКБ “Ипак Йўли” ларнинг кришаси ва улардан келадиган даромаднинг катта улуш соҳиби. Яна Асака заводидан ҳам даромад эгаси. Улуғбек Розикюловнинг устози. Миллий Банк раҳнамоси. Ипак Йўли банкининг соҳиби, у ернинг мошеник Раиси, Рустам Раҳимбековнинг худоси. Икки ажойиб қизларнинг отаси. Ойнисо Азимова-Юсупова ҳамда Малика Азимова.

Иккала қиз ҳам Москва ва Европа мамлакатларининг доимий меҳмонларидан. Дам олиш соҳаси бўйича устаси фаранг. Ойнисо гарчи ҳаётда Миллий банкка қадам қўймаса-да, у ерда ишлайди ва стажи юриб туради. Ҳозирги кунда Филлипинда истикомат қилади. Маликанинг тўйи эса Москвада донғи кетган

ҳамда ўша “Ипак Йўли”нинг Совети раҳбари.

Тўракул Набиев.

Самарқанднинг энг таъсири кучли Олигархларидан бири. Пайтида МВДда антикоррупцион бўлимининг бошлиғи бўлган. Баҳодир Матлюбовага қариндош, унинг министрликка келишига сабабчилардан бири. Монако ва Лондонда бу кишини ва оиласини ҳафтада кўришингиз мумкин. Файзулла Муллажонов.

Эски бўри. Ҳеч нарсага аралашмасдан катта пуллар эга бўлган. Сирдарёдаги теплицаларнинг 99 % шунга қарайди. Бу руйхатни жуда кўп давом эттирса бўлади: Ҳайдаров, Мирзиёев, Файзиев, Абдувалиев, Ғаниев ва бошқа-бошқа қароқчилар. Истардимки, Европа мамлакатларидаги, нафақат Европа, балки араб мамлакатларидаги ҳам бу шахсларнинг ҳисоб рақамлари Каримов давридами ё ундан кейинми, музлатиб, мамлакатга қайтарилса...

Ватанпарвар Аҳмад

ВАТАННИ ДИКТАТОРДАН ОЗОД ҚИЛИШ МАҚСАДИНГИЗ БОРМИ, ЭЙ МУХОЛИФАТЧИЛАР?

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим!

Авалло Аллоҳга ҳамду-сано ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)га салоту-саломлар бўлсин. Аммо баъд.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати бир неча мухолиф ташкилот ва партиялардан ташкил топиб, Ўзбекистондаги бугунги золим режимга қарши курашаман деб, бу йўлда бел боғлаган, ва Ўзбекистонда эркин бир фуқаровий жамият қурамыз, деб йўлга чиққан.

Шунинг учун, эй ўзини демократ мухолифман, деган мухолифлар! Нега бугун сизлар ҳам УХХ билан бирга бир ёқадан бош чиқариб, золим режимга қарши курашмайсизлар? Ва қачонгача ўзга юртларда бир-биримизни кўролмасдан, оёғимизга болта уриб юрамыз? Бирингиз “булар динчилар” дейсиз ва яна би-

рингиз “булар демократлар” дейсиз...

Бундай юришимиз бўлса, қачон озод қиламыз Ватанни?

Биламиз, баъзи инсонларнинг ўзаро шахсий хусусматлари бор. Бошқа баъзиларнинг айри бир дардлари бор.

Лекин ушбу УХХнинг бошида турган Мухаммад Солиҳ ҳам, “эртага Ўзбекистон озод бўлса, Президент Мен бўламан” деётгани йўқ-ку ахир. Мабодо шундай деб гумон қилиб юрган бўлсангизлар, адашасизлар. Чунки президентни сайлаш халқимиз иродасига берилади, халқимиз кимга



овоз берса, ўша инсон раҳбар этиб сайланади.

Шундай экан, келинлар, эй демократман ва ё исломчиман деган гуруҳлар! Бир ёқадан бош чиқариб, бир-биримиз билан муромага келиб, ва бу золим диктаторга қарши курашга бирлашайлик.

Шамс



Инсон тафтини инсон кўтаради, дейилади қадимдан. Мен негадир буни кўтара олмаяпман ва мен ҳам кимгадир айтиб енгил тортмасам бўлмас, деяпман. Балки мана шу усулда дардни бировга енгил тортишни “бировнинг тафтини кўтариш” деб қаралар?! Гап шундаки, бир неча кун аввал кўчада, узоқ йиллар кўрмаган бир танишимни учратиб қолдим. Касби кори ўқитувчи. Бир-биримизни кўриб, анча суюндик. Сухбатлашиб туриб, ишлари қандай кетаётгани хақида сўрадим.

- Нимасини айтасан, ўйловда юрибман. Пахта дегани бошга битган бало бўлди. 41 кунга пахтага чиқарар экан. Ўрнимга одам топай десам, 41 кунга 600 минг сўм пул топиб беришим керак. Болаларимга нимани едираман кейин? Буларга ким эга бўлади, ахир мен онаманку, деб энсам қотаяпти, – дейди касби ўқитувчи бўлган танишим.

- Шу пахтага бормасангиз бўлмайдимиз? – саволга тутаман мен.
- Ишимдан ажралишимга тўғри кела-

БИТТА КРЕСЛО ДЕБ ХАЛҚНИ ЭЗМАНГЛАР, ТОКИ СИЗНИ УНИНГ УВОЛИ ТУТАДИ!

ди унда, ишсиз бўлсангиз, жуда ҳам оғир. Буни ишсиз опамнинг ҳаётидан кўраяпман. Шу қишда онам опамни уйига меҳмонга борган экан, опамни кичкинаси йиғлай бошлабди. Онам сабабини сўраган экан, бола “нон егим келаяпти” деб йиғлаётган экан. Онам ҳайрон бўлиб опамга қарабди.
- Онажон тўғриси айтсам, мана 8 кун бўлдики, невараларингиз билан ўлинг (қуритилган ўрик меваси) ивितिб еб яшяпмиз. Уйда ҳаттоки нонимиз ҳам йўқ. – дебди. Бу вақтда кўзларидан ёш чиқиб кетди танишимнинг. - Бу қандай яшаш ахир, шундай кунни кутганмидик биз ўзбеклар?! – дейди у ўпкасини тута олмай.

- Эрлари борми?
- Клиент бўлганида пахса девор уради эри, бўлмаса ҳаммаси кирилиб кетади очидан. Рўзғордан пул ортурсам ёрдам бериб турибман, – давом этади у. Ўйга толаман. Нахот шунчалик расвогарчилик кетаётган бўлса-ю, бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмаса. Ёрдам сўраб маҳаллага чиқса, уни ҳам беришмаса? Ростдан ҳам шундай ҳаётни кутганмидик? Ўзбекистоннинг келажаги буюклиги қаерда қолди? Нахотки бу ҳукумат ўз фуқаролари хақида қайғурмаса?
Қани, “халқнинг дўстлари”, халқингизни очликдан қутқаринглар! Сизлар ўзларингиздан бошқа ҳеч кимни дўст деб билмайсизлар-ку?
Сизлар мен каби инсонларга “Халқ душмани” деган тамгани ёпиштиришни биласизлар-ку!
Ишсизликни бартараф қилинглр,

порахўрликка нукта қўйинглр, инсон ҳуқуқлари биринчи ўринда турсин, ана ўшанда Ўзбекистонда оз бўлса-да ижобий ўзгаришлар бўлади.

Сизлар ўзгаришни сира-сира истамайсизлар, агар истаганларингизда эди, мана бу ҳолга тушиб қолмасдик!
Россия Федерациясига гастрабайтерликка бориш ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Ўзининг ватанида нон топа олмай, ўзга юртларда сарсон бўлишлик кимга керак экан?

Нега бизнинг халқимиз ҳукуматга иш топиб бериш талабини қўймайди? Ўлингиз ҳам қолмаса кейин нимани ейди?

Ишсизлик туфайли ўғрилиқ, сизлар ўзларингиз биладиган ва танийдиган “притонлар”, босқинчилик шуни орқасидан келиб чимаяпдимиз? 20 йилдан буён халқ билан ҳеч кимнинг иши йўқ! Етар, кўзларингизни очинглр ахир!

Маош олишим керак, нафақага чиқишим керак деб ўтираверасизларми мум тишлаб! Нафақага етиб боришнинг ўзи бўладими? Унга етадиганлар бор, етмайдиганлар бор. Мансабдордан мансаб кетгандан сўнг, уни ҳеч ким писанд қилмайдику? Шуни ҳам эсларингиздан чиқарманглр!
Битта кресло деб халқни эзманглр, токи сизни унинг уволи тутуди!

Гулшан Қорасва

Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти Қашқадарё вилоят бўлими раиси

Олтой билан Дашти қипчоқ ораси
Макон тутган ери бўлган ўзбекнинг.
Ўйиқни симириб, Итилдан кечган,
Қудратли Қўшини бўлган ўзбекнинг.

Тоъбе қилиб бутун русни ўзига
Хирож олган хони бўлган ўзбекнинг.
Рус элига фармон бериб тарихда,
Номи қолган, хони бўлган ўзбекнинг.

Ислон байроғини Олтин ўрдага
Олиб кирган хони, бўлган ўзбекнинг.
Тўксон тўққиз туркий қавмни
бир қилган,
Ўзбек деган – хони бўлган ўзбекнинг.

Султон Жалолиддин, Темур кўрагон,
Аждодлари бўлган бутун ўзбекнинг.
Шерият султони ҳазрат Навоий,
Туркий тили бўлган бутун ўзбекнинг.

Оламни ҳайратга солган илмила,
Улугбек бобоси бўлган ўзбекнинг.
Тожмаҳални қурган ҳинднинг ерида,
Шоҳ Бобур бобоси, бўлган ўзбекнинг.
Айтаверсам адо қилиб билмасман,



ЎЗБЕКНИНГ

Буюк аждодларин бутун ўзбекнинг.
Барчаси тарихда қолди уларнинг
Тарихин қоплади «тутун» ўзбекнинг.

Парчаланиб кетди буюк салтанат
Ўзлиги йўқолди бугун ўзбекнинг.
Ғурурини сотиб молу-дунёга,
Бирлиги йўқолди, бугун ўзбекнинг.

Чексиз орзу-ҳавас, молу-дунёга,
Ружу қўйди кўпи – бугун ўзбекнинг.
Ёри тўла бўлса бойликларга ҳам,
Ўта қашшоқ халқи бугун ўзбекнинг.
Шижоат, иймонли мард ўғлонлари,

Банди қилинмоқда бугун ўзбекнинг.
Халқим деб курашган зиёли эрлар,
Қувғинликда яшар бугун ўзбекнинг.

Дунёга мардикор қилган халқини
Ҳукумати бордир бугун ўзбекнинг.
Гурзи билан солиб унинг бошига,
Ҳайқириси бор бир кун ўзбекнинг.

Бошингни кўтар, эркингни берма,
Кайнасин томирда – кони ўзбекнинг.
Подшоларинг келиб кетаверади,
Ўзбекистон халқи – қолар ўзбекнинг.

Бирлаш халқим деб белин боғлаган,
Асл фарзанди бор – бугун ўзбекнинг.
Яратганнинг Ўзи қўллагай уни,
Солих деган ўғли бордир, ўзбекнинг.

Собит қадам бўлган ислон динида,
Иймонли халқи бор бугун ўзбекнинг.
Шижоат, ғурурни байроқ қилса гар,
Аллоҳ ёри бўлгай, бугун ўзбекнинг.

Муҳаммад Нуруллоҳ

Жорий йилнинг январь ойида Бойсун туман хокими Панжи Тангиров Қобилович, тумандаги “Жоме Мачити” да бойсунлик фуқаролар олдидан сўзга чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосланиб, 2012 йил Бойсун туманига аҳоли истеъмол қилиши учун, сув келтирамиз...” деб ваъда берган эди. Туман фуқаролари бу “янгилик”ни эшитиб, “Бойсунда сув келар экан.

Биз ҳам ўз тайёргарлигимизни кўришимиз керак. Ариқ-зовурларни казиб, ховузлар ташкил қилишимиз даркор...” деб кечаю-кундуз ҳаракат қилишди. Баҳор ойида ёққан қаттиқ ёмғир ва дўл туфайли қазилган ариқ ва зовурлар бир кечада остин – устин бўлиб кетди. Қаттиқ ёққан дўл ва сел туфайли, аҳолининг уй-жойлари, мол-мулклари сувга оқиб кетди... Биз аҳолининг бугунги аҳолини яқиндан танишиш мақсадида улар билан суҳбатлар олиб бордик: “Туман хокими ваъда берганига ҳам, етти ойдан ошиқ вақт ўтмоқда. Хаммон сувдан дарак йўқ. Бойсунликлар тоқатлари тоқ бўлиб, хоким жанобларига, “Бойсунга қачон сув келтирасиз?” деб, хокимиятга борсак, хокимият ходимлари “хокимни билляرخонадан топасизлар” дейшдилар. Билляرخонага борсак, ҳақиқатдан ҳам хоким Панжи Тангиров, “коп-пток суруб” ётган эканлар. Бизлар эса, хокимиятга бориб-келавериб,

СУРХОНДАРЁДА “ИСЁНЧИЛАР”НИ ҚУРУҚ ВАЪДАЛАР БИЛАН СИЙЛАШДИ



лўлининг моксикига ўхшаб, оёлари-миздаги қалиш ва кийим-бошларимиз йиртилиб кетди. Хоким жаноблари эса, ўзларининг “маданий хордик чиқариш” билан овора-ю сарсонлар. Хоким ҳар бир фуқаро билан учрашганда, “хорошо” дейишдан нарига ўтмаяптилар. Айтилган ваъдалар эса, ҳавога “учди-ю” кетди. Буни гувоҳи бўлган бойсунликлар, “Хоким жаноблари ғирт ёлғончи, фирибгар экан. Алдагани, ёш бола яхши...” деб қўлларини силкиб, “туф-сендай хокимга, хайф-е-э-э. Сени онангни...” деб хоким қабулхонасидан чиқиб кетмоқдалар. Куни-кеча, Бойсун тумани “Газа” маҳалласида яшаётган

бир гуруҳ фуқаролар, Сурхондарё вилоятининг хокими Нормурод Чориевга шикоят ариза билан мурожаат қилишган. Вилоят хокими, “Аризаларингизни кўриб чиқиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб чиқамиз...” деб ваъда беришган. Кўрамиз, агар шу иш ҳал бўлмаса, унда Ўзбекистон Республикасининг президенти Ислоҳ Каримовга 100 дан ошиқ фуқаролар билан бирга, Тошкент шаҳрига борамиз...” дейди биз билан суҳбатлашган нафақа ёшидаги Эгрехон Эшон бобо...

Мансуржон Фозилов
мустақил журналист

МИЛЛИЙ ПАРҚДА 8 ЖАСАД ТОПИЛДИ



Олма-ота вилояти Или-Олатау миллий парки ҳудудида саккиз одамнинг жасади топилган. Олма-ота шаҳридан узоқ бўлмаган Таусамал посёлкаси ва тоғлар ўртасидаги 30 қақиримлик ҳудудда жойлашган ўрмондан топилган жасадларда жароҳат аломатлари бор. Жасадлар 25 қақирим радиусдаги масофа орасида топилган. Полиция қотиллик жиноий тортишувлар оқибатида юз берган бўлиши мумкин деган фаразни олдинга сурмоқда. “Ҳозирча ички муносабатларни ҳал қилиб олиш сабаб бўлиши мумкин дея ҳисоблаймиз. Чунки ўша ерда бўлган иштирокчиларнинг ҳаммаси ҳам топилгани йўқ. Иккинчидан четдан бирортаси бўлиши мумкин”,

– деди Қозоғистон Ички Ишлар Вазирлиги Қалмуханбет Қосимов. Ўлганлар орасида аёл кишининг жасади борлиги ҳам айтилмоқда. Суд тиббиёт экспертизаси жасадларнинг шахсини аниқлаш билан шуғулланмоқда. Уларнинг барчасида пичоқ излари борлиги маълум қилинган. ИИВ чиқарган баёнотда айтилишича, бири аёл ва бири эркакка тегишли икки жасад ўрмончининг уйи ташқарисидан топилган. Яна бир аёл ва яна бир эркакнинг жасадлари эса ҳодисадан икки қақирим нарироқда топилган. “Сўнгра миллий парк ишчилари ҳодисадан 25 қақирим узоқликда, қўшни ўрмондаги ўрмончининг уйи ёнаётгани ҳақида хабар олишган”, – дейилади баёнотда. Ёнғин ўчирилганидан сўнгра уй ичидан икки ёниб кетган жасадлар топилган. ИИВ баёнотида жасадлардан беш нафарининг шахси аниқлангани айтилади. Улар 1959 йилда туғилган Ирина Карпенко, 1952 йилда туғилган В. Сняжков, 1936 йилда туғилган П. Захаропуло, 1938 йилда туғилган Антонина

Карпызина ва 1969 йилда туғилган А. Гузаевлар экани айтилади. Маҳаллий мухбиримизга кўра, Или-Олатау табиат парки Олмаотанинг дам олиш масканларидан бири ҳисобланади. Дам олиш кунлари ушбу жойлар дам олувчилар билан гавжум бўлади. Қотилликнинг айнан дам олиш кунлари содир бўлгани айтилмоқда. Жасадлар эса 13 август, душанба куни топилган. Қозоғистоннинг тоғли ҳудудларида оммавий қотиллик илк маротаба учраётгани йўқ. Шу йилнинг май ойида Қозоғистоннинг Хитой билан чегарадош тоғли нуқтасида 14 чегарачи ўлдирилган ва жасадлари ёқиб юборилган эди. Қозоғистон Бош Прокуратураси ушбу қотиллик ички низолар натижасида келиб чиққани ва бу заставада хизмат қилувчи Владислав Челах сафдошларини ўлдирилганини тан олганини расман маълум қилган. Кейинчалик Владислав Челах қотиллик қилмагани ва ушбу кўрсатмаларни рухий босим остида берганини билдирган. Унинг маҳкама иши давом этмоқда.

Инсон борки, унинг қандайдир бир хато қилиши кунда кузатилади. Бўлмасамчи? Ахир унинг хато қилиши – табиатига боғлиқ. Лекин баъзи инсонлар борки, уларнинг хато қилишга мутлақо ҳақлари йўқ. Масалан, судьялар (қадимда қозилар), врачлар (қадимда ҳақимлар) – бу одамлар мутлақо хатога йўл қўйишга ҳақли эмаслар. Ахир уларнинг қўлида бошқа инсонларнинг тақдирини ётади. Улар туфайли кимдир ўлиб кетиши мумкин, ёки ҳаётда қолиши мумкин. Уларнинг хизматлари туфайли бошқалар жабр тортмасликларидаркор.

Ўзбекистонимизда ҳам шундай. Расман, албатта. Амалда эса бутунлай бошқа манзарани кузатамиз. Мамлакатда авж олиб кетган коррупция сабаб, қўллаб шиқорларимиз мол дўхтири даражасида ҳам бўлмасда, лекин улар шиқор деган номни кўтардилар. Тагин аксариди оқ билан қорани бир биридан ажрата олмайдиган ҳуқуқий кўр бўлган судьяларимиз, Ўзбекистон Республикаси номидан ҳукмлар чиқариб, қанчадан-қанча оилаларни бахтиқаро қиладилар ва ҳеч нарса кўрмагандек, тагин бамайлихотир умри гузаронлик қилаверадилар. Булар кунни кеча отасининг пулига юрист деган дипломини сотиб олган, Ўзбекистон етиштирган мутахасислардир.

Бу инсонлар хато қилмасликлари лозим дедик. Аммо хато қилиши лозим бўлмаган инсонлар доираси кенгрок экан шекилли, демократик кўз карашда бўлганлар ҳам, хато қилмасликлари кераклиги ойдинлашиб бормоқда. Чунки улар ҳам кўпчиликнинг эртанги кунига, ҳаттоки мамлакатнинг эрасини ҳал қилиб юборишлари ҳам мумкин. Фақат эл уларни қўллаб чиқса ва эл улар билан бирга бўлса. Бордию, мана шу сиёсий гуруҳ диктаторлик режимини бошлаб келса-чи? Элнинг ҳолига вой унда. Бунда нафақат мухолиф бўлган гуруҳ, балки уларни қўллаган халқнинг ўзи ҳам хато қилган бўлиб чиқади.

Йигирма йилдан ортдики,

Ўзбекистонда бир якҳоқимнинг диктатураси ҳукмронлик килмоқда ва унга мухолиф бўлган сиёсий гуруҳнинг фаолияти ҳам кузатилади. 1991 йилдаги Ўзбекистон Олий Кенгаши Ислоҳ Каримовнинг ҳокимиятга келтириб, мутлақ хато қилганди ва унинг жабрини ҳануз Ўзбекистон аҳли тортиб келмоқда.



ХАТО ҚИЛДИК

Унинг бу жабр тортиши ҳали ҳамон тўхтайдиганга ҳам ўхмаяпти. Ким билсин, балки ўша давр депутатлари ҳам “Хато қилдик-эй” деган қўшиқни ижро этишаётгандир, сасларини чиқармай. Ҳа, улар хато қилишганди. Лекин хатоликлардан ўзбек мухолифати ҳам холи эмас ва бунга ҳам у ҳақли эмасди. Балки хурматли ўқувчида савол туғилар: ўзбек мухолифати нимада хато қилди? Унинг хатоси элдан бир оғиз сўрамаганида. “Эй халойиқ! Сизга демократия ва озодлик керакми ўзи?” – деб бир оғиз сўрамаганида. Ўзбошимчилик билан ваганга демократик эркинликларни тадбиқ этишга киришиб кетиш оқибатида, шу нарса аён бўлмоқдаки, ўзбекларимизга озодлик эмас, балки қайсидир бир раҳбарга хушомад қилиб, керак бўлса унга сажда қилиб яшаш ёқади.

Ўзбек мухолифати, ўзининг сиёсий платформасини қураган, ўзбекларнинг кейинги йилларда орттирган тафаккурдан келиб, “юмалоқ хатлар ҳақида қонун” қабул қилиш ғоясини ишлаб чиқиши лозим эди. Масалан, ўзбекларимиз бир-бирининг устидан шикоят қилиб,

юқорига ариза ёзишни хуш кўради. Илгарилари, Совет даврида имзосиз шикоятлар битилиши ҳам анъанага айланганди. Баъзи бировлар ўз шахсини билдирмаслик учун чап қўлда шикоятларини ёзиб, кимнинг уйини куйдириб юборишарди ҳам. Мана шунақа муаллифи номаълум бўлган шикоят хатларини элда “юмалоқ хат” деб ҳам аташарди.

Демак, халқимиз миллий тафаккурдан келиб чиқиб, фақат шикоятларни ўқиб ўтириш билан шуғулланадиган махсус вазирлик ташкил этиш ғоясини ҳам кўтариб чиқиш зарурдек. Шунда балки, мухолифат муваффақиятларни қўлга киритса ажаб эмас.

Элимиздаги кўрқув дунёнинг бошқа бирор миллат ва элатларда учрамаса керак. Масалан, ҳукумат олдидаги кўрқув. Германиядаги учинчи рейх дохийси Адольф Гитлер “Кўрқув кишиларда бизга нисбат хурматни зўрайтиради” деганди. Адольф Гитлер юз фоиз ҳақ бўлганлигини мана, бизнинг яқин ўтмиш тарихимиз кўрсатиб турибди. Унга ҳам Сталин даврида бу аксиомага айланиб бўлган эди, лекин бизда яна бир бор исботланди.

Шундан келиб чиқиб, мухолифат хато қилмай, элни ҳозиргидан ҳам кўра қаттиқроқ кўрқувга солиш ғоясини кўтариб чиқса, яхши бўлади. Шунда ўзбекларимиз мухолифатни қўллаб юборади. Акс ҳолда, қандайдир бир ёт тушунча бўлган “демократия”ни байрок қилиб кўтаришдан фойда йўқ. Мухолифат ҳам хато қилди ва элнинг истагини билмай туриб, унга озодлик ваъда қилди.

Интернет саҳифаларидаги ғийбатлар, олди-қочдилар шулардан дарак бермоқда. Ўзбекистон кўрқув ичра яшамоқни истаиди ва ўзбеклар бири-бирининг устидан шикоят қилиб яшашни хоҳлайди.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати шундан келиб чиқиб, ўз сиёсий платформасини ўзгартирса қандай бўларкин? Хато қилдик-эй!

Тўлқин Қороев

ВАҚТИНГ ОЗ, ОЛГИЛ ҚАРОР



Жаннат эса манзил – ўй,
Ҳавои нафсингни қўй.
Елғиз Аллоҳни дегил,
Эрта-кеч зикрига тўй.

Ҳаёт бергувчи Аллоҳ,
Сабот бергувчи Аллоҳ.
Қиёмат ҳукмидадир,
Нажот бергувчи Аллоҳ

Умидинг узма бир дам,
Қаҳридан кўрқ ҳар қадам.

Бор имконинг этиб сўнг,
Таваккал этгил бардам.

Қўлингда боринг бугун,
Сарф этгил ҳақ йўл учун.
Бу дунё – бир сония,
Қолгуси ёниб кукун.

Вақтинг оз, олгил қарор,
Охир нафас бўлма хор.
Қисқа синов – бу умр,
Шукур – Қуръон,
Ҳадис бор.
Аҳмад Турон

УСТОЗ ЎЗ ШОГИРДИНИ....

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани “Юсуф Кодиров” маҳалласига қарашли, С.Айний кўчасида яшовчи фуқаро 20 ёшли қиз бола, Маҳсума Ғофуровани, Бойсун тумани Марказий шифохонасининг «Неотложка» бўлимига олиб келишганларида шифокорлар беморни обдан текшириб чиқдилар. Аммо... тўғри “диагноз” қўйиша олмадилар. Аввалига шифокорлар «апендицит» деган ташхисни қўйишдилар. Бемор Маҳсума Ғофурованининг сўзига караганда, “корнимда нимадир гимиллайди” деб шикоят қилади. Шундан сўнг, шифокорлар бир жойда йиғилишиб, “Роддом” бўлимининг шифокори, Ёдгоржон Бозоров ва терапевет шифокори Раъно Ҳолмуродоваларни, бемор Маҳсума Ғофуровани “тиббий кўриқдан ўтказиш” учун, “рентген” апаратига юборишдилар... Шифокорларнинг берган маълумотига кўра, “Маҳсума Ғофурова, 2 ойлик ҳомиладор эканлиги....” маълум бўлди. Шифокорлар бу ҳолатни кўравериб, кўзлари “пишиб” кетганларидан тезда Бойсун тумани ИИБига хабар қилишдилар. ИИБи эса, Маҳсуманинг “эри”ни

топиш ҳаракатида бўлдилар. ИИБининг “тезкор” маълумотига кўра, Маҳсуманинг номусига теккан, шу маҳаллада яшови собиқ ўқутувчи, 62 ёшли фуқаро, норасида гўдакнинг “ота”си, Жума Мирзаевга тегишли эканлиги маълум бўлиб қолди... Бойсун тумани “Юсуф Кодиров” маҳалласининг раиси Зиёдилло Қарақулов “Мен шу маҳаллага раис бўлиб тайинланганимдан ор қиламан. Чунки, ўтган йили мана шунга ўхшаш воқеани сўзлаб бермасам бўлмайди. Шу маҳалламизда яшаб келган фуқаро Боҳодир Шукуров ўзининг 6 боласи бўла туриб, маҳалламизда яшаб келган иккинчи гуруҳ ногирон қизининг номусига тегиб, қўйган эди. Натижада Боҳодир Шукуров Ўзбекистон ЖКнинг бир нечта моддаси билан айибланиб, ҳозирги кунда Қарши шаҳридаги “Косон” қамоқхонасида “дам олиб ётибди”... Ўша киз эса, ўз боласини ўлдирмоқчи бўлиб, маҳалламизда яшовчи кекса собиқ ўқутувчининг ховли участкасига туғиб, болани ўша жойда ташлаб кетган.... Энди бу воқеага нима сабаб бўлган? десангиз собиқ ўқутувчи Бойсун тумани “Ҳалқ

таълими бўлими”га қарашли 47-сонли мактабда рус-тили фанидан сабоқ бериб келаётган эди. Ўша Жума Мирзаев ўзининг уй-жойида рус-тили фанидан абутурентлар тайёрлаш учун, “репетитор”лик қилмоқда эди. Ўша Маҳсума Ғофурова ўзи иккинчи гуруҳ ногирони бўлса-да, билимли жуда ҳам, илмга ташна қиз бола эди. Мен унинг ота-оналари, ака-укалари билан яқиндан яхши танишман. Қизнинг ака-укаларини кўрсангиз жуда ҳам, бардам бақувватли одамлар. Уларни маҳалламизда “Туя” деб лаққаб қўйишганлар. Маҳалламизда ушбу кўнгилсиз “воқеа” содир этилганидан сўнг, Маҳсуманинг ўша, “туя” ака-укалари устоз, “мурабий”, Жума Мирзаевнинг уйига бостириб кириб, роса урганлар. “Домла”ни урганидан “эшак минган мулла”га ўхшатишиб, устозни “бия”га айлантиришибдилар. Устоз ҳар вақт мени кўрганда рус тилида «Зиёдулла у тебя совести нет. Каждый месяц от нас за пособие незаконно берёшь, ты просто вор!» деб менинг бетимга тана қилардилар. Устоз ҳозирги кунда Сурхондарё вилояти ИИБига қарашли, “СИЗО”да тергов бермоқдалар...”

Мансуржон Фозилжонов

‘ГУГУША ФАҚАТ ЮЛДУЗ БЎЛМОҚЧИ, ХОЛОС’

Independent нашрининг Москвадаги журналисти Шон Уолкер «ажабтовур Ўзбек гўзали» ҳақида ёзаркан, «АҚШ шаҳарлари бўйлаб улкан реклама тахталарини безаган ва упа-эликка беланган чеҳра ортида аслида ким туриши эслатилмагани»нига эътибор қаратади.

«Гугуша тахаллуси билан ашула айтадиган орзуманд поп-қўшиқчининг ҳақиқий исми Гўлнора Каримова ва у - дунёдаги энг золим диктаторлардан бири бўлган Ўзбекистон президенти Ислам Каримовнинг қизи» - деб таъкидлайди Independent мухбири.

Мазкур мақола Ғарбда Гугушанинг «Round Run» муסיқий рақс альбому чиқарилиши манзарасида чоп этилмоқда.

Журналистга кўра, Совет Иттифоқи парчаланганидан бери Ўзбекистонни бошқариб келаётган Жаноб Каримов ўз танқидчиларини тириклайин қайнаётган сувга ташлаши айтилади, унинг хавфсизлик кучлари 2005 йили қўролсиз намоишчиларни ўққа тутган ва мактаб ўқувчилари ҳар йили пахта далаларида иш-лашга мажбурланади.

Британиянинг Тошкентдаги собиқ элчисидан иқтибос келтирган Independent мухбирига кўра, шахсан Каримова хоним ўз оиласи бошқараётган коррупцияга дахлдор ва ўз пайтида пулларни ҳалоллаб олиш учун Швейцариядаги ширкатга алоқаси бўлган, деган хабарлар чиққан. Бироқ газета Гўлнора Каримова адвокатлари бу айбловларни доимо рад этиб келишганини ҳам қайд этади.

WikiLeaks орқали ошкор бўлган хабарларга таянган Шон Уолкер «кўплаб ўзбеклар Каримова хонимни ўта очкўз, қудратга ташна ва ўз йўлида дуч келган ҳар қандай одамни ёки тижоратни чилпарчин қиладиган» шахс эканини урғулайди.

Бироқ Гугушанинг вебсаҳифаси унинг отаси ҳақида ҳеч нарсани эслатмагани, балки юлдуз бўлиш орзусидаги бир шахснинг фикрлари ва суратларига жой берилганини ёзилади.

«Аммо жуда йирик реклама ва кўз-кўз қилишларга қарамай, Каримова хонимнинг ашулалари қанчалик тижорий муваффақият қозониши маълум эмас» - деб давом этади



Independent мухбири - «Унинг ашулалари АҚШ муסיқа рейтингига илк бешликка киргани ҳақидаги Ўзбекистон матбуоти хабарлари эса уйдирма кўринади».

Мақола Amazon.com вебсаҳифасида сотувга қўйилган Гугушанинг альбому борасида ўқувчилар қолдирган фикрларга ҳам эътибор қаратган.

«Қийноқнинг ажобтовур муסיқий оҳанглари» - деб ёзган альбомга фақат бир очко берган ўқувчи - «Жазирама иссиқда кунига 12 соатлаб далада ишлайдиган ёш болаларнинг овози шунчалик оромбахш ва Enya-esque бўлишини билмаган эканман».

bbcuzbek.com

ИНТЕРНЕТ ВА ДИКТАТОРЛАР: КИМ КУЧЛИ?

Эски совет тузуми сақланиб қолган хуудлардаги амалдорлар замонавий технологиялардан худди ажинадан қўрққандек қўрқишади. Айниқса, кундан кунга кучга тўлиб, хаттоки, баъзи тахлилчилар айтганидек, катта катта мамлакатларда революциялар қилаётган Интернет уларнинг мазасини қочираяпти.

Технологиялар эса аксига олганидек, тез ривожланыпти, янгиланаяпти. Бундан 2 йил олдин, интернетнинг Skype ва бошқа программалари уяли телефонларда йўқ эди. Хозир эса, кўчада кетаётган одам кўлидаги телефон орқали, АҚШда ёки яна бошқа бир узоқ мамлакатда яшаётган одам билан бемалол об хаво хақида гаплашиб кетаяпти. Интернет технологияси мутахасисларнинг фикрича, Skype, Gmail ва Hotmail каби интернет алоқа порталлари орқали бўлаётган телефон суҳбатларини, давлатнинг махсус хизматлар эшита олишмайди, чунки бу каналлар ишончли шифр билан химояланган бўлади.

Айнан мана шу жихат, пост совет худуди диктаторларини анча асабийлаштиряпти. Араб давлатларини ларзага солиб, Бен Али, Хусни Муборак каби давлатни оилавий бошқараётган диктаторларни тагига сам қўйган халқни кўчага хайдаган ҳам, айнан интернетдаги ижтимоий тармоқлардир, дейишяпти хозир турли сиёсий эврилишларни тахлил қилувчи мутахасислар. Шундаймикин? Эхтимол тўғридир... Чунки, айнан мана шундай иддаолардан кейин, собиқ совет давлатларини бошқараётган ярим ёки бутунлай диктаторлашган президентлар ўз худудларидagi интернет алоқаларни назорат остига олиш харакатини бошлашди. Албатда, бутунжагон ўргимчак тўрини парчалаб ташлаш учун бошланган бу “муқаддас уруш”ни, бутун демократик жамият олдида ўзини улар билан тенг кўрсатишга интилиб, эркин ва тараққий этган давлатлар уюштираётган хар бир каттаю кичик издихомларда, ўзини худди улар билан тенг нуфузга эга каби кўрсатаётган путиннинг Россияси бошлаб берди. Мана шундай катта ва қудратли давлатнинг, энг қўрқинчли ва қўли узун ташкилот Федерал Хавфсизлик Хизмати (русчасига ФСБ), Россия интернет алоқасини назорат остига олиши кераклиги хақида бирин-



чилардан бўлиб ваҳима кўтарди. Федерал Хавфсизлик Хизмати ташкилотининг Махсус алоқа ва маълумотларни химоялаш маркази бошлиғи Александр Андреечкин Россия депутатлари олдида қилган чиқишида “Қаёқдаги Gmail, Hotmail ва Skype алоқа тизими Россиянинг миллий хавфсизлигига таҳдид” деди. Албатда, бу гапларни Александр Андреечкин чин юракдан, Россиянинг тақдирига бефарқ бўлмаганидан айтаяпти дейиш қийин. У буйруқни бажарган холос...

Иккинчи томондан, россиялик махсус хизматчиларнинг ваҳимага тушганларича ҳам бор – биринчидан, юқорида номлари келтирилган интернет алоқа хизматлари ичида бўлаётган суҳбатларга “қулоқ” тутиш қийин экан. Иккинчидан эса, боринки суҳбат мазмуни маълум бўлган тақдирда ҳам, бу гапларни ким айтаётгани ва ким эшитаётганини билиш, деярли мумкин эмас дейди соха мутахасислари. Буни билиш учун, серверга мурожат қилиш кифоя дерсиз? Бу интернет масала, чунки, бу интернет алоқа тизимларининг серверлари Россиядан ташқарида жойлашган. Улар эса бундай маълумотларни сир сақлашни яхши билишади ва бирон бир халқаро суднинг қарорисиз, ҳеч қайси махсус хизматнинг вакилига ҳеч нарса айтишмайди. Хаттоки Жеймс Бонднинг ўзи келса ҳам.

Депутатлар, кимсан, ФСБнинг вакили гапларига ишонишмайди? Ишонишади. Ахир шахсан бош вазир Путиннинг собиқ ҳамкасблари айтган гапларга қандай ишонмаслик мумкин?! Буни устига гап Россиянинг хавфсизлиги хақида кетаётган бўлса... Улар кўзларини чирт юмишиб, қанақадир хужжатларни имзолашди, нималаргадир тасдиқлаб овоз беришди. Бунинг нактижаси ўлароқ, хозир Россиянинг етакчи уяли алоқа провайдерлари, ўзлари сотаётган телефон апа-

ратларидаги WiFi ва BlackBerry Messenger функцияларини олиб ташлашяпти.

Инсонларнинг Конституциявий ҳуқуқлари яқсон қилинаёпти, дейишяпти хозир россиялик инсон ҳуқуқи химоячилари. Хиндистондаги террористлар бир бирлари билан Skype орқали гаплашишган экан, яқинда Минск метросини порталларнинг ҳам уяли телефонларининг WiFi деган офат бўлган экан, дейишяпти уларга жавобан ФСБчи жиддий йигитлар. Фарб мамлакатлари ва АҚШда давлат раҳбарларига шахсий уяли алоқа телефони ишлаши таъқиқланган экан. Чунки улар ўзларининг хар қандай ёзишмалари ва суҳбатларини, ўзларини сайлаган халқдан беркитмас эканлар. Биргина Барак Обама бу таъқиқни четлаб ўтди: У, ўзининг махсус хизматига, “фақат хотиним билан гаплашаман” деб тилхат бериб (!), интернетга уланган шахсий BlackBerry уяли телефони ишлашига рухсат олишга муваффақ бўлди.

Уларда одамлар президентларининг телефон орқали кимга нима деганини билиб турсалар, бизда буни тескариси: президентларимиз халқни телефондаги гапларини уфя тарзда эшитади юради... Интернет орқали одамлар майдонларга йўл топаётгани, Россия ва бошқа собиқ иттифоқ республикалари катталарини кўзини очди ва энди улар зўр бериб ўз худудларини бу “бало”дан сақлаш йўлига ўтишди. Россиянинг бу борадаги ваҳималари, Ўзбекистонга ҳам етиб келган кўринади: хозир у ерда кимда компьютер борлиги ва унинг интернетга уланган ё уланмаганлиги аниқланаёпти. Лекин тарақиётни тўсиб, тўхтатиб бўладими?

Мана яқинда Канададаги Microsat Systems Canada компанияси, ерга яқин орбитага 78 донга кичкина ер йўлдошини олиб чиқмоқчи. Улар дунё бўйича интернетга тез ва арзон уланиш имконини беради. Яъни, ўша кичкина ер йўлдоши сиз яшаётган минтақа устида турса бас. Буни устига, Россия Думасидаги интернет телефон алоқасига боғлиқ вайсашларга қарамасдан, “Евросеть” компанияси, IP-телефон алоқасини ривожлантириши хақида баёнот берди.

Ойни этак билан ёпиб бўлардимми?

СССРНИНГ ИНҚИРОЗИ ҚАДАРИЙ ВОҚЕЛИКДИР



1991 йил августи. 70 йиллик Коммунистик империя тарихида мисли кўрилмаган сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар... Фавқуллода Ҳолат Давлат Кўмитаси (ГКЧП) СССРни сақлаб қолиш мақсадида, мамлакатнинг бир қатор минтақаларида фавқуллода ҳолат эълон этди, ва шу билан Совет Иттифоқининг парчаланишини тезлатиб берди. Тарихимиздаги бу воқеаларга 21 йил тўлмоқда.

“Эркин Юрт” газетаси тахририяти ушбу муносабат билан ўзбек мухолифати намояндасига бир неча савол билан мурожаат этди, қуйида улардан олинган жавобларни келтирамиз. Қуйида ЎХХ Муассислар Мажлиси аъзоси Намоз Нормўмин жавоблари билан танишасиз:

Савол: 1991 йил август ойида СССРни сақлаб қолиш учун ГКЧП тарафидан “Фавқуллода ҳолат” эълон қилинган эди, аммо оқибатда ГКЧП аъзолари жиноятчига чиқарилди, Совет Иттифоқи йўқ бўлди ва унинг ўрнида 15 мустақил давлат пайдо бўлди.

Бугун эса бу мустақилликларга ақсар ҳолларда диктаторлар “эгаллик” қилмоқда.

Бугун СССРнинг йўқ қилинишини “тарихий хато”, СССРни сақлаб қолиш тўғри эди, дейилмоқда. Сиз бундай фикрга қўшиласизми?

Жавоб: Мен 1991 йил август ойида ГКЧП (Фавқуллода ҳолат бўйича Давлат Кўмитаси) тузилган кунларни жуда яхши эслайман. Ўша кунлари бизнинг коммунистлар кўллари ишқалаб, бизга қарата “уйинг куйди, демократлар”, дея ҳақоратомуз гаплар айтишарди. Бу кунлар Ўзбекистонда қайта қуриш ва ошқоралик ўзининг чўққисига чиққан кунлари эди. Сўз эркинлиги ва жамоат уюшмалари, шу жумладан, сиёсий партия ва ҳаракатлар тузиш, уларга аъзо бўлиш имкони бор эди. Яъни, ўзбек жамияти ўзининг тирик жамият эканлигини бутун ижтимоий соҳаларда кўрсата бошлаганди...

ГКЧПни СССР Президенти Михаил Горбачевнинг сиёсатига қарши бўлганлар амалга оширдилар. Бу ноқонуний Кўмита СССРда давлат тўнгиришини амалга оширишга уринди. Аслида ўша кунларда СССР деган давлатнинг тамали дарз кетган, бу коммунистик иттифоққа кирган

Республикаларда миллий уйғониш ва мустақиллик ҳаракати кенг ёйилиб бормоқда эди.

ГКЧПнинг ҳаёти уч кун давом этди. Унинг йўқ қилинишида Борис Елцин бошчилигидаги рус демократлари муҳим роль ўйнадилар. Ўша кунларда Елциннинг танк устига чиқиб, қилган баёноти тарихий кадрлар сифатида сақланиб қолган. Ўзбекистон раҳбариятининг бу масалада берган баёноти ҳам ниҳоятда “мазмундор” эди. Унинг маъноси “Бизда (Ўзбекистонда) ГКЧПнинг қарорларини ҳаётга жорий қилишга эҳтиёж йўқ. Чунки биз зотан ҳозиргача бу қарорларни амалга ошириб келаямиз” қабилида эди.

ГКЧП эълон қилингандан уч кун ўтиб, Михаил Горбачев озод қилинди ва энди қўлга олиниш навбати давлат тўнтарувчиларига келди. Ўшанда бизнинг коммунистлар оёғи куйган товукдек типирчилаб қолишганди. Тошкентда зудлик билан ЭРК партиясининг йиғилиши ўтказилди. Партия Раиси Мухаммад Солиҳнинг, шоир Эркин Воҳидовнинг оташин нутқлари хотирамда қолган...

Мен ўша пайтлар ЭРК партиясининг Сурхондарё вилояти раҳбари эдим. ГКЧП иш бошига келганда, вилоят раҳбарларининг бизни (ўша пайтнинг демократларини) кўришга кўзлари йўқ эди. Орадан уч кун ўтиб, шу коммунист раҳбарлар бизни кўрганда, кучоқларини очиб кўриша бошладилар. Шу кунларда Термиз шаҳар ҳокими мени бағрига босиб, “Сизлар ҳақ экансизлар. Энди биз ҳам мустақиллик тарафдори бўламиз”, деган эди...

Коммунистларнинг бир лаҳзада мустақиллик тарафдори бўлиб қолишларининг сабаблари кейин маълум бўлди. Чунки Горбачев ҳокимиятга қайтиб келгандан кейин, ГКЧП тарафдори бўлган коммунист раҳбарлардан интиком олиши мумкин эди. Бундан қутулишнинг ягона йўли – Ўзбекистонни “Мустақил”, деб эълон қилиш ва бу билан СССР раҳбарияти Республикалардаги маҳаллий коммунистларга берадиган жазодан қутулиб қолиш эди...

Мен СССРнинг йўқ бўлиб кетишини тарихий воқеълик, айниқса биз ўзбеклар учун қадарий вақеълик, деб биламан. Бу тарихий хато эмас, тарихий тўғрилиқ ва адолатдир. Чунки СССР бизнинг эътиқодий, миллий, маданий, тарихий кимлигимизни йўқ қилган эди, ўз давлатимизни ўзимиз бошқариш имконини қўлимиздан олганди. Биз халқ сифатида манкуртлар тўдасига айланган эдик.

Мустақилликдан кейин Ўзбекистонда диктатура

ўрнатилишига келадиган бўлсак, зотан СССР ҳам бир диктатура эди. Аммо инсонларимиз унинг диктатура эканлигини билмас эдилар, бу диктатуранинг қўшиқ қилиб қўйлар эдилар... Ислоҳ Каримов диктатурасини эса ҳамма танийди. Агар қиёслайдиган бўлсак, Ўзбекистон халқи СССР диктатурасини ҳам, ҳатто ўзининг кимлигини ҳам билмас эди у даврлар. Аммо Ислоҳ Каримов диктатурасида Ўзбекистон халқи ўзининг кимлигини билади ва ҳозирги диктатуранинг моҳиятини ҳам тушуниб етади, деб ўйлайман.

Маълумки, халқларнинг қадари бир лаҳзада ўртага чикмайди. СССРнинг йўқ бўлиши учун ҳам 70 йилдан кўпроқ замон талаб қилинди. Ислоҳ Каримов диктатурасининг йўқ бўлиши учун ҳам маълум вақтга ва энг асосий халқимизнинг ўзини ўнглаб олишига эҳтиёж бор. Қолаверса, давлатларнинг ва давлат тузумларининг тақдирини фақат уларни қурган халқларнинг иродасига эмас, халқаро сиёсат майдони, дея аталадиган “майдонда” кечадиган жараёнларга ҳам боғлиқ.

ГКЧП замониди шарқий Оврупода жойлашган эски коммунистик режимлар СССРдаги ўзгаришлар натижасида қулатилди ва улар ўзларининг ҳақиқий мустақиллигига эришдилар. Қунимизда содир бўлаётган “Араб баҳори” шамоли кўплаб давлатларга таъсир қилгани ҳам бир ҳақиқатдир. Шундай экан, биз фақатгина Ўзбекистон мустақиллиги Каримов диктатурасини туғдирди, деган фикр билан кифояланиб қола олмаймиз. Ҳар бир халқнинг илғор қисми бу халқни тараққиёт йўлига олиб чиқиш учун масъулдир.

Мен бугунги кунда ўзбек халқининг мана шундай илғор қисми, деб Ўзбекистон Халқ Ҳаракатини айта оламан. Сўнгги 2 йилда Ҳаракатимиз ва Каримов диктатураси орасида жиддий кураш давом этмоқда ва бу курашнинг моҳиятини инсофли инсонлар кўриб билиб турибдилар. Шундай экан, ўзбек халқининг ва Ўзбекистоннинг келажига (демак шахс сифатида ўзининг ҳам келажига) бефарқ бўлмаган ҳар бир ҳамюртимиз бизнинг сафларимизда ўрин олиши, бу билан Каримов диктатурасининг йиқилишига ва унинг ўрнига халқимизнинг эътиқодий, миллий ва умуминсон тараққиётининг ижобий жиҳатларини ўз ичига олган қадриятларга асосланган янги бир жамият қуришга ўз ҳиссасини қўшиши лозим, деб ҳисоблайман.

Намоз Нормўмин
ЎХХ ММ аъзоси



билан уни қўлламаганда эди, бугун Муҳаммад Солиҳ нимани ҳис қилса, Эжевит ҳам шуни ҳис қилган бўларди. Энди Муҳаммад Солиҳ нимани ҳис қилаётганини у ўйласин. Бош вазир умр бўйи демократ бўлиб туришнинг нақадар мушкул иш эканини кўрсатмоқдадир.

Мавзу ҳиссий масала эмас. Мавзу Туркиянинг стратегик ҳадафлари ва ташқи сиёсатидир.

ЎРТА ОСИЁ, СТРАТЕГИЯ, ТАШҚИ СИЁСАТ

Ўзбекистоннинг Туркияни севган, аммо Тошкент диктаторини мамнун этмак учун Туркиядан чиқариб юборилган, шу сабаб Ослода яшашга мажбур бўлган мухолифат лидери Муҳаммад Солиҳ “ТУРКИЯ ВА ТУРК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ” деган муҳим бир мақола эълон қилди.

Тақдирнинг жилвасини қарангки, Муҳаммад Солиҳнинг мақоласи чиққан куни ва Ослода Булант Эжевитнинг у билан учрашувни рад қилиши бир-бирига тенг келди. Эжевит “Ўзбекистон билан муносабатларимиз бузилиши мумкин эди”, дея баҳонасини эълон қилди. Гўё бизнинг Ўзбекистон билан жуда яхши алоқаларимиз бордай. Гўё бир неча ҳафта аввал, Путиннинг олдида тиз чўкиб, Ўзбекистон ўз хавфсизлигини Россияга таслим этиб, Туркиядан яна-да узоқлашмагандай...

Ишнинг ҳазин тарафи, Эжевитнинг ўзи бир замонлар “Демократия қазоси (аварияси) қурбони” эди. Агар 1980-1983 йилларда у севган Скандинав ўлкалари Туркияда Эжевитни зиёрат қилишга келаётиб, “Туркия билан алоқамиз бузилиши мумкин”, деган баҳона

Муҳаммад Солиҳ шу йил 6 июнда эълон қилинган мақоласини шу сўзлар билан бошлайди:

“Бир ойдир, турк жамоатчилиги Туркиянинг Урта Осиё сиёсатининг хато бўлганини торттишмоқда. Афсуски, ташхис (диагноз) тўғридир. Фақат масаланинг қизиқ тарафи шундаки, хато сабаблари, худди хатонинг ўзи каби, терс перспективадан кўрсатилмоқда. Турк сиёсатиға ён берган доиралар “Урта Осиё жумҳуриятлари билан орамиз бузилишиға сабаб, уларнинг раҳбарларидан демократия талаб қилганимиз, баъзи режим мухолифларини қўллаганимиз, ихтилолларға изн берганимиз бўлди”, дея ёзғирадилар. Бу доиралар Урта Осиё деркан, хаёлиға дарров Туркчилик келгани учун у ерда Қайтақуриш даврида пайдо бўлган бутун Миллий ҳаракатларни ҳам бир туркчи ҳаракат ўлароқ тасаввур қиладилар. Ва бу комплекс уларни Советлар Иттифоқи тугагандан кейин ҳам тарк этмаган кўринади”.

Тўғри. Фақат, бизнингча, Туркиянинг бу соҳадаги муаммоси яна-да чуқурроқдир. Туркияда

ташқи сиёсат хавфсизлик сиёсати билан эш, яъни иккиси бир нарса, деган тушунча ҳоким бўлиб қолди. Ташқи сиёсатнинг хавфсизлик билан боғлиқ жиҳати албатта бор, аммо ташқи сиёсат фақат хавфсизлик билан эмас, асосан “стратегик мақсадлар” билан бичимланади. Нима бўлганда ҳам, Туркиянинг ташқи сиёсати чизилмагани аниқ... Бундай бир зехниятдан “Урта Осиё сиёсат ва стратегияси” чиқмайди. Чиқса эди, Туркиянинг Россия ва Эронга бўлган муносабатлари бугунгидан фарқли бўлар эди. (Бу мавзунини яқинда қаламга оламиз). Бу зехният турк жумҳуриятларининг коммунист лидерлари билан ичтини порахўрлик ва ҳаромхўрликка тўлдириш мумкин бўлган муносабатларга йўл очади, холос. Бундай муносабатлар устаси ва тимсоли ҳурматли Демирел эди... Туркия бу ўлкаларда демократиянинг байроқдорлигини бошламагунча, ҳеч қачон жозиба маркази ва Урта Осиёнинг келажагида рол ўйнай олмайди. Муҳаммад Солиҳ ўз мақоласини шу сўзлар билан тугатади:

“Биз Туркистон турклари демократияға тайёрмиз, бунинг энг қисқа замонда бутун дунё кўражакдир, иншооллоҳ. Фақат қардошларимиз бизға ишонсинлар, ҳурриятни бизға раво кўрсинлар. Қардошларимиз шунин билсинларки, ўз халқига содиқ бўлмаган коммунист раҳбарлар сизға содиқ бўла олмайди, ўз халқига ёлғон сўйлаб, сизға тўғриси айтишлари мумкин эмас, улар демократиядан нафратланар экан, сизға дўст бўлишлари ҳам мумкин эмасдир”.

Жангиз Чондор
“САБОҲ” газетаси. Туркия

ЁЛДАН ҚОТИЛЛАР УНИ ЙЎЛДАН ҚАЙТАРОЛМАДИ

Исми: Муҳаммад Солиҳ
Миллати: Ўзбек
Фаолияти: Ёзувчи, таржимон ва сургундаги мухолифат лидери
Шоир ва ёзувчи Муҳаммад Солиҳ саксонинчи йилларда собиқ Совет Иттифоқи таркибида бўлган Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун курашганлардандир. Ўлка 1991 йилда мустақилликка эришганидан сўнг, ЭРК партиясидан мамлакат Президентлигига ўз номзодини қўйди. Солиҳ сайловда рақиби Ислон Каримовга ютқазди. Каримов ҳали ҳам Ўзбекистон президентлигича қолмоқда. Солиҳ ҳозир сургунда, аммо хорижда ҳам унинг ҳаёти таҳликада. Ёзувчининг сиёсий карьераси 1984 йилда, Горбачев Совет Иттифоқининг лидери бўлишдан илгарироқ, ҳали

Қайта қуриш ва ошқоролик эълон қилинмаган пайтдан бошланди.

М.Солиҳ:

“Адабиёт ва санъат дунёси намоёндалари Советлар мамлакатида эътиборли кишилар саналарди, мен ва бошиқа ёзувчилар бундай мавқе ва эътибордан фойдаланиб, мамлакатимиз мустақиллиги учун курашдик.

53 нафар ёш ёзувчи 1984 йилининг 3 март куни Совет давлатининг маданият борасидаги маҳаллий сиёсатиға қарши бир норозилик мактуби ёздик. Бу мактуб озодлик ҳаракатининг бошланғичи бўлди”.

Рақиби Каримов ўша пайтларда Совет ҳукумати таркибида юксак лавозимларда ишлагани ва мустақилликка қарши бўлганини эътироф этаркан,

Солиҳ шундай дейди:

“1990 йилда Ўзбекистонда эълон қилинган мустақиллик Декларатсияси Литвадан сўнгера Совет жумҳуриятлари ичиде эълон қилинган иккинчи Декларация бўлди. Каримовнинг коммунистик партияси мустақилликнинг муқаррар эканлигини фақат 1991 йилда, жумҳуриятчиларға кенгроқ эркинлик бермоқчи бўлган Горбачевға қарши таёрланган тўнтарининг муваффақиятсиз якунланганидан сўнгиға англаб етди.

Шу кундан эътиборан Каримов ўзининг эски режимидан сақланиб қолган имкониятларини тўла ишға сола бошлади. Мустақилликка эришган бошиқа жумҳуриятлардаги каби, Ўзбекистонда ҳам давлатни эски коммунистлар бошқаришда давом этди.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Гўё энди Каримов “озодлик курашчиси”ю, биз – “озодлик душмани”га айландик”.

Расмий ўлароқ, ЭРК партияси президентлик сайловларида 13 фоиз овоз олди.

Солиҳ:

“Аммо бу Каримов ҳукумати томонидан очиқдан-очиқ қилинган сохтагарчиликдан сўнг эришилган кўрсаткич. Сайловнинг илк натижалари эълон қилина бошлангани чоғда, республика радиоси ЭРК партияси номзодининг учдан бир фоиз овоз олганини эълон қилди. Эртаси кун ишбу хабарни тарқатишда масъул бўлган радио муҳаррири ишдан олинди.”

Каримов 1991 йилдан сўнг сиёсий муҳолифатга қарши тазйиқларни кучайтира бошлади. 1993 йилда Солиҳ мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди. Аввал Туркияга кетди, аммо Ўзбекистоннинг Туркияга ўтказган босими туфайли у ерни ҳам тарк этишга мажбур бўлди.

Солиҳ:

“Ҳали ҳам Туркияга кириш изни йўқ, аммо у ер менинг иккинчи ватаним, туркчада ёзмаман, ёзганларим у ерда ҳам ўқилмоқда”.

Солиҳ Туркияни тарк етганидан сўнг ҳам, Каримов уни холи қўйгани йўқ. 2001 йилда Прага аэропортида уни камоққа олдиришди. Ўзбекистон ҳукумати уни экстремизмда айблаб, халқаро Интерпол орқали унга кидирув эълон қилдирган ва уни ҳибсга олиш қарори чиқартирган эди. Аммо Каримов ҳукуматининг уни тутиб, Ўзбекистонга жўнатиш ҳақидаги сўрови рад этилиб, унга ўзи олдинроқ сиёсий бошпана сўраган мамлақати – Норвегияга кетишига изн берилди.

Солиҳ:

“Ўзбекистон ҳукумати Норвегия ҳукуматига ҳам мени Ўзбекистонга тутиб бериш ҳақида мурожаат қилди. Бу ҳам натижа бермагач, икки нафар қотил ёллаб, уларга 2 миллион доллар бериб, мени ўлдиртиришга ҳаракат қилди. Аммо ёлланган қотиллардан бири виждон азобидан қийналиб, мени хатар ҳақида огоҳлантирганидан сўнг, яна Каримовнинг режаси пучга чиқди”. Солиҳ ҳозир Норвегияда ўзини хатардан холи ҳис этмоқда, аммо ватанида қолган оила аъзолари ва тарафдорларининг ҳукумат тазйиқлари остида қаттиқ азоб чекаётгани ҳақида гапиради:

“Биз олти ака-укамиз, иккитамиз хорижда, учта укам қамоқда эди, яқинда биттаси чиқди, ҳозир икки укам қамоқда. Деярли бутун қариндош-уруғларим тазйиқ остидалар. Ҳатто узоқ қариндошларим ва дўстларим ҳам ишдан бўшатилиб,

тазйиқ остига олиндилар”.

Солиҳ Норвегияда ёзишда давом этмоқда. Туркчадан ўзбекчага таржима қилмоқда, шеърлар ва хотираларини ёзмоқда. Оиласи қанчалик тазйиқ остида бўлмасин, ўлкасидаги сиёсий вазият ҳақида ёзишда ва ЭРК партияси фаолиятини бошқаришда давом этмоқда.

Солиҳ:

“Албатта, мен учун оиладагилар азоб чекаётганидан изтиробдаман, аммо бу мени фаолиятдан чекиншига мажбур қилолмайди. Ўзига қарши чиққанларнинг қариндош-уруғларига зулм қилмоқ Каримовнинг севган усулларида биридир. Укаларим билан гаплашиши имкони топганимда, улар менга курашни асло тўхтатмаслигимни илтимос қилишади, бу бизнинг тақдиримиз”, дейишади.

“Де Волскрант” (Нидерландия), 11.08.2003

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЯНГИ БАҲОР ТУРКИЯ БИЛАН

Ўзбекистон орасидаги муносабатлар анча пайдан бери ёмон эди. Баъзиларига бу ғалати кўринади, нима бўлганда ҳам, “қариндош” жумхурияларимиз. Аммо Совет Иттифоқининг чўкишидан сўнг, пайдо бўлган катта муҳаббат Тошкентнинг ўпка-гиналари оқибатида совуқликка айланди, ўзбек лидери Ислоҳ Каримов 9-Президентимиз Сулаймон Дамирелдан хафа бўлди. У ўпка-гинасини БМТнинг Миллениум Йиғилишига ҳам ташимоқчи бўлди. Президент Сезарга рандеву (учрашув) беришни ҳам пайсалга солди. Фақат оз вақт ўтгач, бирданга ўзгариб қолди ва Сезер билан учрашди. Илтифотларини ҳам аямай “сочди”. Ўзбеклар ҳозир Ички ишлар вазири-миз Саодатдин Тантани қаршилаб, меҳмон қилмоқдалар. Хўш, байрам йўқ – сайрон йўқ, бу оғайнимиз бизни нимага бирданга кучоқлаб, ўпа бошлади?

Авалло ишнинг ўтмишига боқайлик. Бир неча йил муқаддам, ўзбек ҳукуматидан ғалати баёнотлар кела бошлаган эди. Туркияни “террорист”ларга бошпана берганликда айблади улар. Бу ерда “бошпана берилган террорист” эса таъқиқланган ЭРК Партиясининг лидери Муҳаммад Солиҳ эди. Нормал мезонларга кўра, ЭРКни “террорист” ташкилот, унинг лидери Солиҳни эса бир “террорист-боши” деб эълон этиш учун хаёл-чумизни қаттиқ камчилашимиз керак бўларди. Ҳозир Норвегияда яшаётган Солиҳнинг асос айби – кучли муҳолиф бўлиши эди, холос.

Энг муҳими, агар эркин сайлов бўлганида, унинг ғалаба қозониш

эҳтимоли юксак бўлиши эди.

Шунга қарамай, Анкара, “қариндошлик бузилмасин” дея, Солиҳдан Туркияни тарк этишини истади. Аммо бу Каримов учун камлик қилди. У бир қарра “Террористларимиз Туркияда тайёрланапти” дея ишонган ва Тошкентда 1999 йилда портлаган бомбалардан сўнг, бу ишонч янада кучайганди.

Бошқа бир ифода билан айтсак, Туркия ила Ўзбекистон орасидаги алоқалар, Солиҳнинг қувилишига қарамасдан, тузалмади. Ҳатто янада ёмонлашди. Ўзбеклар қайсарлик билан “Террористларимизни беринг”, деб, Туркия эса қарорли бир шаклда “бу кишилар бизда эмас”, деб кун ўтказдилар.

Каримов сўнг Туркияни “диний радикализм”ни импорт қилган ўлка сифатида айблади. Қўрқинчли рўёси бўлган радикал диндорларнинг худди ҳаммаси Туркияда, дегандай хатти-ҳаракатлар қила бошлади. Фатхуллоҳ Гуланга оид бўлганларни ҳам қўшиб, ўлкадаги барча турк мактабларини ёпди. Туркияда ўқиган ўзбек талабаларини қайтариб олди. Бу орада турк ширкатларига турли тўсиқлар қўя бошлади. Қисқаси, Туркия Каримов учун икки маънода “тахликали ўлка” бўлди.

Биринчиси, демократия ўрнаги билан, иккинчиси, бу демократик иқлимда етишган Сиёсий Ислоҳ. Фақат мужоҳидлар Афғонистондан Каримовнинг ўлкасига кириб, социал-иктисодий шакли эътибори ила шариат пропагандасига мойил бўлган Фарғона водийсига қараб юрган заҳот, ваҳима ичиди Русия Президенти Путин билан кўришиб, “Ислоҳ фундаментализмига қарши ҳамкорлик” шартномасини имзолади. Каримов учун битта йўл қолганди – Демократия ва инсон ҳақлари мавзусида АҚШдан келган қаттиқ танқидларни ичига ютиб, Туркиядан келадиган “демократия ўрнаги” кўркувини енгиб, Вашингтон ва Анкарага тарафга бурилишга қарор берди.

Туркия ҳам ўтмишни эслаб ўтирмай, ўзбек аскарларини тайёрлашда логистика, курул-аслаҳа, ҳарбий ашёлар ва таълим-тарбия соҳасида ёрдам беришга сўз берди. Хуллас, Каримовнинг дин кўркуви демократия кўркувидан кучлироқ чиқди.

Бу орада Каримов яна ўлкада ваҳобий тушунчалар кўпаймасин дея, бухоролик Ислоҳ мутафаккири Баҳоуддин Накшбандийнинг кучоғига отилди.

Ваҳобийларнинг йўлини Накшбандия йўли билан тўсмоқ истаяпти.

Самих Идиз

“Star” газетаси. Туркия

ВУЖУДНИ ТОЗАЛАШ

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Вужуд қандай тозаланади?

1. Озиқланиш одатини назорат қилинг. Зарарли одатларни ташлаб, фойдалиларига ўзгартиринг. Бу китобда айtilган озиқланиш қонун-қоидаларига кўра таомларингизни ўзгартиринг. (“Касалликларнинг сабаблари” ва “Тўғри озиқланиш” бўлимларига қаранг).

2. Ичган сувингизнинг сифатига эътибор беринг. Танада тўпланган зарарли қолдиқларни фақатгина энгил сув эритади (“Сув” бўлимига қаранг.)

3. Янги сиқилган мева ва сабзавот сувларини ичинг. Мева ва сабзавот сувлари таркибида органик кислоталар бўлгани учун ҳамда сувдан ҳам кучли эритувчи бўлгани учун уларни танланг. Танланган мева ва сабзавот сувларини сув билан аралаштириб, ичишни унутманг. (“Мева ва сабзавотлар” ва “Дорилар” бўлимига қаранг.)

4. Асал, янги мева ва сабзавотларни танланг. Улар танангизни тозалаб, ишлатади. Танага чидамлик беради.

5. Пишган таом истеъмол қилишни 1 мартага туширинг. Оғир касал бўлсангиз, пишган таом, хатто янги мева ва сабзавотлардан узоқ туришингиз сизнинг фойдангизга. Фақатгина кунига 1 ош қошиғидан кўп истеъмол қилмаслик шарт билан табиий асал энг ва мева, сабзавот суви ичинг. Чунки таомнинг ҳазми учун тана энергия сарфлайди. Асал, мева ва сабзавот сувлари эса танага энергия сарфлатмасдан унга ўз қувватларини беради.

6. Нафас олиб-чиқаришни назорат қилинг. Тўғри нафас олиб чиқармаётган бўлсангиз, уни тузатишингиз керак. (“Нафас” бўлимига қаранг.)

7. Хожамот (қон олдириш) ва зулуклар билан қон олдириш ва ҳафтада 1 кун очлик қилинг.

8. Ошқозон-ичак даволаниши, жигар тозаланиши ва бошқа керакли тозаланишларни қилинг.

9. Керакли тозаланишлардан кейин 3 кунлик очликлар қилинг.

10. Яхшиланишни бошлаганингизда мева, сабзавот сувларини камайтириб, янги мева ва сабзавот ейишни кўпайтиринг. Керак бўлса, 3 кунлик очликдан кейин 10 кунлик очликка ўтинг.

11. Ейиш ва ичишни 2 мартага туширинг. Эрталаб мева ёки асал, кечкурун янги сабзавот ва таом энг.

12. Яхшиланганингиздан кейин соғлигингизни сақлаш учун ҳафтада 1 кун ёки ҳар ой (ҳижрий 13, 14, 15 кунлар) 3 кун оч қолишга ҳаракат қилинг.

Диккат! Юрак, жигар ёки мияси жарроҳлик амалиёти ёки аъзо кўчириш каби амалиётдан чиққанлар, диалезга боғлиқ, юрак касаллари, икки йилдан кўп инсулин ишлатган диабет касаллари, узоқ муддатли даволаниш пайтидан ўтганлар ва 60 ёш атрофидагилар бу тозаланиш ишини докторнинг тавсиясиз ва назоратсиз қилишлари мумкин эмас!

Жигарни тозалаш

Дастлабки тайёргарлик жараёни 3-4 ҳафта давом этади.

Жигарни тозалаш муддати 3 кун. Умумий жараён эса 24-31 кун.

Эрталабдан Тушликда қадар салат ёки қатиқ билан бир қанча сабзавотдан қилинган таом ёки фақатгина салат ёки қатиқ ейиш мумкин. Қатикни майда тўғралган петрушка, янги пиёз ёки саримсоқ билан аралаштириш керак.

Тушликда салат ёки қатиқ билан бир қанча сабзавотдан қилинган таом ёки фақатгина салат ёки қатиқ ейиш мумкин. Қатикни майда тўғралган петрушка, янги пиёз ёки саримсоқ билан аралаштириш керак.

Кечкурун салат, мева ёки қовунтарвуз ейилади ёки занжабил чойи ёки кўк чой асал билан ичилади. 30 гр саримсоқли зайтун ёғи ва 30 гр лимон суви аралаштирилиб, уйкуга ётишдан аввал ичилади.

Изоҳ: Тайёргарлик жараёнида ҳафтада 1-2 кунни фақат мева ёки сабзи суви аралашмаси билан ўтказиш яхши. Ичи қотган кишилар майдаланган санони таомга сепиб, ейишлари мумкин. Сано ўрнига янги майдаланган ёки намланган зиғир уруғи ҳам ишлатишлари мумкин.

Соғлом ёшлар тайёргарлик жараёнини қисқартиришлари мумкин:

Юқорида айтиб ўтилганидек 7 кун ўтказилади. 8, 9 ва 10 кунлар оч қилинади. (“3 кунлик очлик” бўлимига қаранг.) Рўзадан кейин 11-чи кун соат 17.00 гача олма суви ичилади, соат 17.00да 1 ош қошиқ тўлдирилиб, магнезиум сульфат 1 пиёла сувда эритилиб, ичилади ва кечкурун соат 19.00да жигар тозаланиши бошланади. (“Жигарни тозалаш, 3-чи кун” бўлимига қаранг.)

Умумий жараён 11 кун.

5-10 ёшли болаларда эса 1 ёки 3 кун очлик қилинади. Жигар тозаланиши 1 кунлик очликда “Жигарни тозалаш, 1-чи кун” бўлимига мувофиқ бошлаб, 3 кунлик очликда “Жигарни тозалаш, 3-чи кун” бўлимига мувофиқ равишда амалга оширилади.

Умумий жараён 4 кун.

Бу ёшдаги болаларда қўлланиладиган зайтун ёғ миқдори 100-150 гр, соат 17.00да ичиладиган магний сульфат миқдори 1 чой қошиқ бўлиши керак.

Диккат! Тайёр таом ва ичимликлар, гўшт, сут, тухум, пишлоқ, шакар, қора чой, қаҳва ва шоколад истеъмол қилиш таъқиқланади.

Биринчи кун тайёрланишга ва жигар тозалашга ният қилинади. Тайёрланиш тугаганидан кейин жигар тозаланиши нияти такрорланади. Бу жараёнда ният қилиш, жуда муҳимдир, чунки жигар ўз фаолиятини қилинган эгасининг, яъни одамнинг қилган ниятга кўра режалаштиради.

Огоҳлантириш: жигар тозаланишига тайёргарлик мазкур китобни ўқиб, даволанишни татбиқ қилган кишилар учундир. Доктор тавсияси билан алоҳида даволанганлар жигарни тозалашни “3-чи кун” бўлимида кўрсатилган тартибда қилишади.

Жигарни тозалаш

Жуда муҳим: тозалаш муддати 3 кундир. Тозаланиш бошлашдан аввал, кечкурун магнезиум сульфат ёки майдаланган сано ичиб, ичакларни тозалаш керак. Эртаси куни эрталаб, яъни тозаланишнинг 1-чи куни камида 2-3 марта катта ҳожатга чиқиш керак-ки, ичаклар бўшасин. Акс ҳолда, яъни ичак буткул бўшамаса, клизма қилиниши керак. Уйда клизма жиҳози бўлиши зарур.

Клизма суви 35-36 даражада бўлиши керак. Бир ярим литр клизма суви 1-2 лимон суви аралаштирилиши мумкин.

1-чи кун:

Эрталаб аввало ичаклар бўшатилади. Кейин янги сиқилган мева ёки сабзавот сувларини ичиш бошланади. Жигар тозаланиши учун энг яхши шарбат нордон олма сувидир. Бундан ташқари, ҳар қандай олма ёки грейфрут, лимон, исмалоқ, сабзи ёки қатиқ сувларини ҳам ичиш мумкин.

Мева ва сабзавотлар янги бўлиши, ҳар сафар сиқилгандан сўнг дарҳол, яъни саклаб турмасдан ичиш керак. Мева ёки сабзавот сувлари пиёланинг ¼ ига сув қуйилиб аралаштирилади. Камида 1,5 литрдан 3 литргача ичиш мумкин. Ёғсиз қатиқ суви ярим-яримга исмалоқ суви билан ёки 1 қошиқ петрушка ёки селдир баргининг суви билан аралаштирилиши мумкин. Мавсумий мева ва сабзавотларни ишлатишга ҳам эътибор қилиш керак.

(Давоми кейинги бетда)

ВУЖУДНИ ТОЗАЛАШ

Давоми боши олдинги бетда

2-чи кун:

Биринчи кун каби мева ёки сабзавот сувлари ичишда давом этилади. Ишлайдиган кишилар иш жойларида биринчи 2 кун 2-3 олма, лимон ёки грейфрут ейишлари мумкин. Мева еганлар 2 кун кечки пайт катта ҳожатга чиқмаган бўлсалар, магнезиум сульфат ёки сано қуқунини ичишлари ёки клизма қилишлари керак.

3-чи кун:

Бутун кун мева ёки сабзавот суви ичишда давом этилади. Кечки 17.00да тўла бир ош қошиқ магний сульфат бир пиёла сувда эритиб, ичилади. (Магнезиум сульфат бўлмаса, ярим чой қошиқ туйилган сано ичилиши керак)

17.00дан 19.00гача ҳеч нарса ичилмайди. Соат 19.00да ўнг тарафга жигар устига илиқ сув халтаси қўйиб, ётилади. 50 гр рафинланмаган зайтун ёғи 50 гр лимон суви билан арлаштирилиб, 15 дақиқалик танаффуслар билан ичилади.

Жами 250 гр зайтун ёғи, 250 гр лимон суви ичилиши керак. Бу миқдор юқорида айтиб ўтганимиздек, 50 граммлик аралашмалар ҳолида, 15 дақиқалик танаффуслар билан ичилади.

Ўрта бўйли ва ўртча вазнли кишилар учун умумий миқдор 250 гр зайтун ёғи + 250 гр лимон суви = 500 гр бўлиши керак.

Узун бўйли ва вазни оғир кишилар учун миқдор 300 гр зайтун ёғи + 300 гр лимон суви = 600 гр бўлиши керак.


Паст бўйли, ёш ва заиф бўлганлар, 50 кг дан оғир бўлмаганлар учун 200 зайтун ёғи + 200 гр лимон суви = 400 гр кифоя қилади.

Лимон суви ҳар сафар ичилганида янги сиқилиши керак. Агар ёғ ичиш давомида ошқозон булганса, оғизни очиб чуқур нафас олиб, ютмаслик шарти билан ялпиз ёки беҳи чайнаб, булганишни тўхтатиш мумкин.

Ёғ ичиш оралари узун ёки қисқа бўлиши мумкин, фақат уни ичиш вақтлари шундай танланиши керакки, зайтун ёғи + лимон суви аралашмаси соат 21.00гача тугатилиши керак.

Соат 19.00дан 23.00гача илиқ халта жигарга босиб ётилади ва катта ҳожат эҳтиёжидан ташқари ўрнидан турмаслик керак. Турилса, ошқозон булганиши натижасида қусиш мумкин. Қўлдан келганча қусмасликка ҳаракат қилиш керак, чунки зайтун ёғи билан лимон қусиб чиқарилса, тозаланиш жараёни амалга ошмайди.

Соат 24.00дан кейин қусиш жигар тозаланишга тайёр эмасли-



гининг ёки жигар кўп миқдорда оғир токсинларнинг тўпланганини кўрсатади. Бу ҳолат куйида тушунтирилади.

Кечки 23.00-02.00 орасида 2-3 марта катта ҳожатга чиқиш керак. Соат 02.00гача катта ҳожат келмаса, клизма қилиниши керак. Эртаси куни 07.00да такрор клизма қилинади. Ичаклардан чиққанларни яхшилаб кўриш учун тувак (горшок) ишлатиш керак. Яна эрталаб 2-3 қошиқ гуруч бўтқаси ейилади. Гуруч бўтқаси жигарнинг ёпилишини таъминлайди.

Бу тозаланиш жараёнидан кейинги келган катта ҳожат билан жигар ва ичаклардаги гижжа, сафро косасидаги тошлар, ичак “чўнтакча”ларида тўпланган ахлат тошлар ва қора рангли (нефт каби) моддалар ташқарига чиқиб кетади.

Ташқарига чиққан гижжалар - жигар ва ичакларда тўпланган захарларнинг кўплигига қараб - ўлик ёки жонли ҳолда чиқади.

Энг охирида келадиган катта ҳожат сариқ, яшил ёки яшилга яқин рангда бўлиши керак. Агар ҳожатнинг ранги яшил ёки сариқ бўлмаса, тозаланиш тамомланмаган ҳисобланади, яъни кўп миқдорда тўпланган токсин бир тозаланишда чиқариб юборилаолмаган бўлади.

Тозаланишдан кейин 1-2 кун давомида чиққан нарсаларнинг ранги яшил бўлиб-бўлмаганини кузатиш керак. Агар тозаланиш натижасида жигар ёки ичакдан гижжалар чиқиб кетган бўлса, 1 ҳафта давомида гижжаларга қарши даволаниш керак. (“Паразитлар» бўлимига қаранг.)

Агар сафро косасида тош бўлса ва тозаланиш натижасида ташқари чиқиб кетмаса, демак сафро косасининг шакли ўзгарди ва тошларнинг чиқиб кетиши учун жисмоний йўл ёпилган ёки тошлар сафро косасининг каналига сиғмайдиган даражада катталашиб кетган бўлади.

Бундай ҳолатда даволаниш:

Бир ош қошиқ майдаланган седана + бир чой қошиқ майдаланган мўррисафий + 100 гр асал яхшилаб аралаштирилиб, эрталаб ва кечқурун битта чой қошиқдан то тугагунча ейилади.

Бундан сўнг сафро косаси тошларини эритиш учун:

Ҳар эрталаб ўртча қора турп тўғралади ва 1 ош қошиқ асал билан аралаштирилади. 1 соат кутилиб, суви сиқилиб ичилади. Сиқилмасдан ейилиши ҳам мумкин. Бу 1 ҳафта давом эттирилади. Қора турп сафро косаси тошларининг эришида ёрдам беради. Ва 100 гр лимон суви + 100 гр зайтун ёғи + 3 бош эзилган саримсоқ + 50 гр. янги сиқилган петрушка суви аралаштирилади ва ҳар кеча бу аралашмадан 50 гр ичилади.

Ёки: Ҳар 30 гр саримсоқли зайтун ёғи + 30 гр лимон суви аралаштирилади, ҳар куни эрталаб ёки кечқурун ётишдан аввал ичилади. Лекин зайтун ёғи фойдали бўлгани билан меъёридан ортик истеъмол қилинса кишини семиртириб юборади. Жигар тозаланишнинг иккинчи босқичига шу муолажа давом эттирилади. Бу пайтда кичитки ўти турли (янги ёки қуруқ) ҳолда фойдаланилади: ундан чой дамланади, овқатга тўғралади, салат ва таомга қўшилади.

Қичитки ўти жигарни тоза тутади, сафро косасидаги тошларнинг майдаланиб тушишига ёрдам беради. Бу дорилар истеъмол қилинганидан кейин 10 кунлик очлик қилинади. (“Очлик” бўлимига қаранг.)

Муолажалар ва 10 кунлик очлик натижасида сафро косасидаги ёпишиқлар эрийди, торайишлар очилади ва шакли нормал ҳолга келади. Сафро косаси тошларидан зарар кўрганлар ва умуман сурункали ҳазмсизликдан қийналганлар, асосан, кўп миқдорда кир ювиш қуқунини ишлатган ва кимёвий моддалар, хусусан кислота қўллаган кишилардир.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



www.uzxalqharakati.com

”Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.

Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош